БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 14 (18.192). • 17 январь 1982 йил, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1982 йилда кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1982 йилда кўкламги дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Госкомсельхозтехникаси, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, «Центросоюз», ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикалар Министрлар Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига 1982 йилда колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ корхоналарида кўкламги дала ишлари юксак агротехника даражасида ўтказилишини таъминлаш мажбуриятини юкладилар. Бунинг учун:

— колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини юқори сифатли уруғлик ва кўчатлар билан тўла таъминлаш, уларни тайёрлашни ниҳоясига етказиш ва экиш учун юқори даражадаги кондиция ҳолига келтириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин; қишлоқ хўжалик экинларининг янги районлаштирилган ва истиқболли навлари ҳамда дурагайларининг барча мавжуд уруғликларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин; уруғлик ва кўчатнинг асралиши устидан тегишли контроллик ўрнатилсин;

— озуқабоп экинлар экиладиган майдонлар механизациялаштирилган бригадалар ва звеноларга бириктириб қўйилиши таъминлансин, мўл ҳосил олиш учун улар зарур техника ва ўғитлар билан таъминлансин; озуқа максадларида экиш учун яроқли бўлган барча мавжуд нўхат дони ва бошқа дуккакли экинлар донини уруғлик фондларига қўшимча равишда жалб этиш чоралари кўрилсин;

— пичанзорлар ва ўтлоқларнинг маҳсулдорлигини янада ошириш мақсадида уларни парвариш қилиш юзасидан комплекс агротехника тадбирлари амалга оширилсин;

— қанд лавлаги, узун толали зиғир ва бошқа техника экинлари ҳосилдорлигини кўпайтиришга доир тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда мазкур техника экинлари маҳсулотларини давлатга сотиш планлари сўзсиз бажарилишини гарантиялайдиган майдонларга ана шундай экинлар экилиши таъминлансин;

— кўкламги дала ишлари ўтказиладиган даврда колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан юқори даражадаги моддий ресурсларданоқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган тадбирлар амалга оширилсин;

— колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида органик ҳамда минерал ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан, суғориладиган ва захи қочирилган барча ерлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин;

— кўкламги экиш ишлари бошлангунга қадар кечи билан икки ҳафта илгари тракторлар, тупроққа ишлов берувчи машиналар ва экиш машиналарини, бензин ташувчи автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларини тўла шай ҳолга келтириб қўйиш мақсадида машина-трактор паркини кўкламги дала ишларига тайёрлаб қўйишни тугаллаш чоралари кўрилсин. колхоз ва совхозларда қишлоқ ичидаги мелиорация шохобчаларини ва иншоотларини, ёмғирлатиш ҳамда суғориш машиналари ва қурилмаларини, насос-куч машина-ускуналарини ремонт қилиш ва тозалаш, шўр ювиш ва яхоб бериш соҳасидаги ишлар ўз вақтида ўтказилсин; ем-хашак тайёрловчи машиналар, галла комбайнлари ва бошқа ўрим-йиғим техникаси ремонти жадаллаштирилсин, тракторлар, комбайнлар, бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари ремонтининг сифатига алоҳида эътибор берилсин; колхозлар, совхозлар ва сельхозтехника корхоналари ремонт устахоналарининг ишини икки сменада ташкил этиб, ана шу корхоналарнинг мавжуд қувватларидан тўлиқ фойдаланилсин;

— машина-трактор агрегатларининг икки сменада ишлаши учун хўжаликлар механизатор кадрлар билан таъминлансин, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида техникадан фойдаланишнинг илғор методлари жорий этилиши, қишлоқ хўжалик механизаторларининг ишлари юқори сифатли бўлгани ҳолда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилиши таъминлансин;

— кўкламги дала ишлари ўтказиладиган даврда колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида умумий овқатланиш, маданий-маиший ва медицина хизмати етарли даражада ташкил этилиши таъминлансин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Госкомсельхозтехникасига ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига:

— 1982 йилда қишлоқ хўжалик экинлари индустриал технологияларга мувофиқ етиштириладиган районлар ва хўжаликларни аниқлаш;

— ана шу районлар ва хўжаликларга зарур техника, юқори сифатли уруғлик, минерал ўғит, гербицидлар, заҳарли химикатлар ва бошқа моддий-техника воситаларни муайян мақсад учун ажратилишини таъминлаш;

— дала ишлари бошлангунга қадар қишлоқ хўжалик механизаторлари ва мутахассисларига қишлоқ хўжалик экинларини индустриал технологияларга мувофиқ етиштириш усулларини ўргатишни кенг авж олдириб юбориш топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва СССР Госкомсельхозтехникасига 1982 йилнинг февраль-май ойларида Темир йўл министрлиги ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб олган ҳолда вужудга келтирилишини назарда тутиб, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ёнилғи-мойлаш материаллари ташиб келтирилишини жадаллаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралари кўриш;

— ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлашдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, нефть маҳсулотларини нормалаш, ҳисоб-китоб қилиш ва асрашни ташкил этишни яхшилаш;

— колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида ёнилғи-мойлаш материаллари асралишини таъминлаш ва ортиқча сарфланишига йўл қўймаслик тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

СССР Госснабига, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигига, Автомобиль саноати министрлигига, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик министрлигига, ҳамда бошқа министрликлар ва идораларга, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1982 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалик ва сув хўжаладиган шарт-шароитларга қараб айрим иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалигига 1982 йилнинг I-II кварталларига ажратилган фондлар бўйича тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитлар етказиб бериш муддатларини ўзгартиришларига, СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига эса зарур бўлган тақдирда СССР Госснаби ва Темир йўл министрлиги билан келишиб олган ҳолда темир йўлларда нефть маҳсулотлари ташиладиган йўналишларнинг схемасига қўшимчалар киритишга, бунда қишлоқ хўжалигини ёнилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлашда узилишга йўл қўймаслигини назарда тутиш шарти билан руҳсат этилди.

СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига, СССР Нефтни қайта ишлаш ва Нефть химияси саноати министрлигига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1982 йилнинг биринчи ярмида кўкламги дала ишларини ўтказиш учун қишлоқ хўжалигига сув хўжалигига (шу даврга ажратилган фондлар ҳисобидан) нефть маҳсулотлари етказиб берилишини таъминлаш таклиф этилди, бунда нефть маҳсулотлари қайси кварталларга тақсимланганлиги мустаснодир.

СССР Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетига, СССР Госкомсельхозтехникасига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 1982 йилнинг февраль-июнида ҳар ой кўкламги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган ёнилғи-мойлаш материалларини ташиб келтириш графигини тасдиқлаш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Госкомсельхозтехникасига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва уларнинг жойлардаги органларига:

— кўкламги дала ишлари бошлангунга қадар ҳар бир хўжаликда кўкламги дала ишлари даврида машина-трактор паркининг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда нефть маҳсулотлари запаслари вужудга келтирилишини назарда тутиб, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ёнилғи-мойлаш материаллари ташиб келтирилишини жадаллаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралари кўриш;

— ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлашдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, улардан самарали фойдаланишни таъминлаш, нефть маҳсулотларини нормалаш, ҳисоб-китоб қилиш ва асрашни ташкил этишни яхшилаш;

— колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида ёнилғи-мойлаш материаллари асралишини таъминлаш ва ортиқча сарфланишига йўл қўймаслик чоралари кўриш, шунингдек тайёрлов ташкилотларида ана шундай идишлардан оқилона фойдаланилишини ва уларнинг зарур запаслари яратилишини таъминлайдиган тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди.

Темир йўллар министрлигига ва минерал ўғит ҳамда уни ишлаб чиқариш учун хом ашё етказиб беруви министрликларга шу маҳсулот ортиб жўнатилишини кучайтириш чораларини кўриш, бунда минерал ўғитлар 1982 йилда кўкламги дала ишлари бошлангунга қадар қишлоқ хўжалигига ўз вақтида етказиб берилишини таъминлашни назарда тутиш топширилди.

СССР Госснабига ва тегишли министрликларга 1982 йилда тракторлар, автомобиллар, прицеплар, ер қазиш техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари ва запас қисмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга биринчи навбатда (ишлаб чиқариш плани бажарилган ёки бажарилмаганидан қатъи назар) ажратилган фондларга мувофиқ қора ва рангли металлар прокати, қувурлар, материаллар, заготовкалар ва комплектловчи буюмлар, шу жумладан ушбу қарорда белгиланган қўшимча топшириқларга мувофиқ тайёрланадиган маҳсулотларни етказиб бериш топширилди.

СССР Давлат банкига зарур бўлиб қолган тақдирда, 1982 йилнинг 1 ноябрягача айрим колхозларга ремонт эҳтиёжлари учун зарур бўлган запас қисмлар ва материалларнинг қиймати-га, машина-трактор парки ва юк автомобилларини ремонт қилиш ва техникавий хизмат кўрсатиш ишларига, механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик ва транспорт ишларига ҳақ тўлаш учун, нефть маҳсулотлари ва ем-хашак қиймати-га, уруғликни алмаштириш (шу жумладан уни ташиб олиш) билан боғлиқ харажатларга, давлат ресурсларидан ажратиладиган уруғлик, минерал ўғит, гербицид ва заҳарли химикатлар қиймати-га ҳақ тўлаш, ёш чорвамол ва жўжалар харид қилишга, шунингдек колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун қисқа муддатли кредит беришга руҳсат этилди. Узоқ муддатли кредит бериш планига мувофиқ СССР Давлат банкига истисно тариқасида 1982 йилда айрим совхозлар ва даалатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига, СССР Госкомсельхозтехникасининг ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Союзсельхозхимия» бирлашмасининг корхоналари ва ташкилотларига минерал ўғит омборларини, машина ҳовлиларини текшириш, ёнилғи қуйиш ва ювиш пунктлари бўлган трактор ва автомобилларнинг очиқ туриш жойларини, маҳсулот етказиб беруви заводларидан қисмларга ажратилган ҳолда келтирилувчи қишлоқ хўжалик машина-механизмларини йиғиш цехларини, техника хизмати станциялари ва пунктларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш харажатларига маҳаллий моддий-техника ресурсларини қидириб топишга қараб 1982 йилга белгиланган капитал маблағлар ҳажмидан ташқари узоқ муддатли кредит беришга, СССР қурилиш банкига эса 1982 йилда СССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг совхозларига мазкур узоқ муддатли кредит беришга рухсат этилди.

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига кўкламги дала ишларини ўтказиш учун техника ремонти билан банд бўлган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини, шунингдек СССР Госкомсельхозтехникаси системасининг корхоналарини электр энергия билан узлуксиз таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўриш топширилди.

Темир йўллар министрлигига, Денгиз Флоти министрлигига ва РСФСР Даре флоти министрлигига кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўлган машиналар (шу жумладан юк автомобиллари, автомобиль ва трактор прицеплари, ярим прицеплар), асбоб-ускуналар, запас қисмлар, подшипниклар, шиналар, металл прокати, ёғоч тахта ва қурилиш материаллари, нефть маҳсулотлари, кальций карбиди, қурилиш конструкциялари, минерал ўғитлар, ем-хашакка қўшиладиган туз, озуқа фосфатлари, пестицидлар ҳамда бошқа материалларни ортиш учун вагонлар, кемалар ва контейнерлар, биринчи навбатда (планга мувофиқ) етказиб турилишини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигига ҳамда суғориш ва қуритиш системалари ва объектлари қурилишига юборилаётган юклар ортилган поездлар билан кемалар темир йўлларда ва сув йўлларида қандай ҳаракат қилиб бораётганлиги устидан контроллик ўрнатиш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1982 йилда истисно тариқасида СССР Министрлар Советининг 1971 йил 21 апрелдаги 231-қарорида кўзда тутилган шартлар асосида, механизаторлар, трактор машинистлар етишмаётган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналардан, муассасалар ва ташкилотлардан кўкламги дала ишларига механизаторларни, тракторчи машинистларни жалб этишларига руҳсат берилди.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги кўкламги дала ишларига командировка қилинадиган тракторчи машинистларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳақида 1981 йил амалда бўлган шартларга мувофиқ изоҳ бериш топширилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва СССР Госкомсельхозтехникасига «Сельхозхимия» ва «Сельхозтехника» бирлашмалари, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари номига келаётган барча юкларни темир йўл станцияларидан ташиб олишни жадаллаштириш юзасидан шошилинч чоралар кўриш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, колхозлар ва совхозлар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда ташкилотлари КПСС XXVI съездининг қарорларига амал қилиб, 1982 йилда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базаси ўз вақтида тайёрланишини ва кўкламги дала ишлари юксак агротехника даражасида ўтказилишини таъминлаш чораларини кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ПАЙВАНДЧИЛАР САРДОРИ

Бу ерда уни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Корхона коллективи орасида катта обрўга эга. Ўз касбига меҳр қўйиш, зиммасига юклатилган вазифани астойдил бажариш ўзга чинакамига обрў келтирди.

«Сродазелектроаппарат» бирлашмасига қарашли электротехника заводи электр пайвандчиси Ҳусан Турсунов корхонадаги пешқадам ишчиларнинг биридир. Меҳнатни тўғри ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш натижасида у катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзининг шахсий ишлаб чиқариш маҳоратини ошириб бориш туфайли корхонада ўтказилаётган социалистик мусобақада доимо олдинда бораяпти.

Ҳ. Турсунов республикамизнинг ўн беш илғор ишчиси бошлаган бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббусига актив қўшилди. У ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқни муддатдан олдин бажарди. Ўн биринчи беш йилликкинг дастлабки йилида икки ярим йиллик шахсий норматини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Корхонанинг кўплаб ишчилари пешқадамдан ўрнак олиб меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган корхона коллективи шу куилэрда зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. Заводда тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми мамлакатимиз энергетикасининг эҳтиёжларига хизмат қилади. Бу ерда экспорт учун ҳам кўплаб маҳсулот тайёрланяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 49 мамлакатига, жумладан Ўзаро Иктисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга жўнатилмоқда. Суратда: илғор электр пайвандчи Ҳ. Турсунов.

А. Кошкин фотоси. (ЎзТАГ).

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

АНДИЖОН ИП ГАЗЛАМА КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1982 ИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларига амал қилиб СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар ва ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

маҳсулот реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 125 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Планга қўшимча равишда 25 тонна ип калава ва 10 минг погон метр ип газлама ишлаб чиқарилади;

СССР ташкил топган кунининг 60 йиллигига шарафига беш йилликнинг икки йиллик плани 25 декабрда бажарилади;

меҳнат унумдорлиги пландагидан икки процент ошириладди. 5 та автомат, ярим автомат ва механизациялаштирилган поток линия ўрнатилади ва ўзлаштирилади;

Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 40 минг сўмлик иқтисодий самара олинади;

ип калава ва сурп газлама бўйича биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планга нисбатан 5 процент кўпайтирилади.

тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига 40 минг киловатт-соат электр энергия тежалади.

янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш учун асосий оммавий касбда икки минг ишчи тайёрланади ва 1000 нафар ишчи ва инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади;

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги кунигача Қўрғонтепа ва Марҳамат тўқувчилик фабрикаларининг лойиҳа қувватларни ўзлаштирилади. Янгидан ишга туширилган Пахтаобод ва Туамин йигирув фабрикалари белгиланган муддатда ўзлаштирилади, шунингдек ишчиларни ишга қабул қилиш ва ўз вақтида малакали ишчилар тайёрлаш бўйича ишлар олиб борилади.

Социалистик мажбуриятлар комбинат меҳнаткашларининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

СОВЕТ ҚИЗИЛ КРЕСТИНИНГ ЭҲСОНИ

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзининг ижроия комитети инсонпарварлик ва қардошларча бирдамлик ҳис-туйғуларига амал қилиб, тошқиндан жабрланган Польша Халқ Республикасининг аҳолисига беғул ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

Яқин фурсатда Польша Қизил крестига дори-дармон, қуруқ ва қуюлтирилган сут, болалар овқати, қанд-шакар, одеяллар юборилади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада архитектурани ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «ТашНИИПИГенплан» институтининг директори ўртоқ Фаррўҳ Юсупбоевич Турсуновга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектори»** фахрий унвони берди.

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

САМАРҚАНД, 16 январь. (ЎзТАГ). Самарқанд области партия хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари область корхоналари ва ташкилотларининг ўтган йилги иш якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Нотиқлар партия комитетлари ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида коммунистларнинг авангардлик роли, уларнинг активлигини оширишга, кўпроқ эътибор бераётганликларини қайд этиб ўтдилар. Қора металлургия, маҳаллий саноат, пахта тозалаш ва омихта ем саноати корхоналарида янги қувватлар ишга туширилди. Транспорт, алоқа, савдо-сотиқ, маиший хизмат янада ривожлантирилди.

Шу билан бирга, йиғилишда қайд этиб ўтилганидек, бир қанча корхоналар план ва мажбуриятларни бажара олмаяпти. Муҳим объектларни барпо этиш муддатлари чўзиб юборилмоқда, қурилишнинг сифати хамиша ҳам қониқарли деб бўлмайди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдиришга, энергия ва материалларни қаттиқ тежаш режимига, барча ресурслардан жуда тўлиқ фойдаланишга алоҳида эътибор бериш кераклигини нотиқлар таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа коллективларининг 1982 йилги социалистик мажбуриятларини қабул қилдилар.

* * *

УРГАНЧ, 16 январь. (ЎзТАГ). Бугун Хоразм области саноат, транспорт ва алоқа ходимлари партия хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари ўтган йилги иш якунларини ва область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама килдилар.

Бошланган йилда янги саноат маҳсулотининг бир неча ўнлаб турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, талайгина миқдорда электр энергияни тежаб қолишга қарор қилинди. Йиғилишда қабул қилинган социалистик мажбуриятларда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади, деб ёзиб қўйилган.

Хоразмнинг қурилиш, монтаж ва лойиҳалаш ташкилотлари партия хўжалиги активининг шу куни бўлиб ўтган йиғилишида ҳам 1982 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар олинди. Бу йил Тўямўйин ГЭСининг яна икки агрегатини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергенов йиғилиш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

КАДРЛАР КАМОЛОТИ

Район партия комитетининг пленумида кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, жой-жойига қўйишни янада яхшилашда партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинмоқда эди. Минбарга райком аъзоси, «Назарбек» совхозининг директори Холмат Қорахўжаев кўтарилди. Район коммунистлари уни яхши билишади. Қорахўжаев катта-кичик хўжалик вазифаларини бажариш, партия ташкилотларига етакчилик қилиш жараёнида чиниқиб, камол топди. Кўпдан буён «Назарбек» совхозига моҳирлик билан раҳбарлик қилмоқда. Шу боисдан ҳам пленум қатнашчилари тажрибали хўжалик ходимининг мулоҳазаларини алоҳида бир қизиқиш билан тинглашди.

— Ҳозирги пайтда ёшларни тарбиялашнинг муҳим формасидан бири — мураббийлик ҳаракати катта самара бермоқда, — деди нотиқ. — Совхозимиз партия комитети ёш кадрларни тарбиялашда ундан оқилона фойдаланаётир. Кекса коммунистлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ветеранлари Турсун Тўрахонов, Тўғтун Исломов, Тиллабой Рихситиллаев, Туроб Аҳмедовлар хўжалигимизда ўрта бўғин кадрлари, ёш мутахассисларни ўз ишига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ешлар кекса авлоднинг касб маҳоратини, одамлар билан ишлаш санъатини қунт ва синчковлик билан ўрганаётирлар. Мана шу мураббийлар тарбиясини олган Ҳамидулла Сандов, Носир Орипов, Тўйчи Арслонов, Муҳсим Мажидов каби ёш кадрларимиз бўлим ва бригадаларни муваффақиятли бошқармоқдалар. одамларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялямоқдалар.

Ўша пленумда Қорахўжаев совхоз партия ташкилотида ўрта бўғин кадрлари, мутахассислар билан ишлаш, уларда топширилган иш учун партиявий масъулиятни муттасил ошириб боришнинг қарор топган тажрибаси ҳақида батафсил гапириб берди. Ҳозирги пайтда кадрларни тарбиялаш ва камолга етказиш борасидаги ишлар аксарият партия ташкилотларида мана шундай изчил, самарали йўлга қўйилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари ғоявий чиниққан ишчан кадрлар билан мустаҳкамланмоқда. Уларнинг аксарияти иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия XXVI съезди белгилаган йўлни муваффақиятли ўтказмоқдалар.

«Ҳозирги раҳбар ўзида партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни таъминлаш ва ишга ижодий ёндашиш билан бирга кўшиб олиб бориши лозим. — деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Шу билан бирга раҳбар ҳар бир соҳада социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиши кишиларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига сезгирлик билан қараши, ишда ва турмушда ўрнак бўлиши лозим».

Мана шу кўрсатмага оғишмай амал қилаётган район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар масаласи билан тобора изчил шуғулланадиган, уларни тайёрлаш ва тарбиялаш, ғоявий-сиёсий, касб савиясини оширишга, раҳбарлик ва бошқаришнинг услуб ва методларини такомиллаштиришга доимий эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Кадрларга муносабат уларга ишонч, юксак партиявий онглилик асосига қурилмоқда. Биз раҳбар ходимлар ва мутахассисларда мустақиллик, ташаббускорликни топширилган ишнинг аҳволи ва пировард натижаси учун масъулиятни кучайтириш билан уйғунлаштириб бормоқдамиз.

Сўнгги йилларда районимизда иш олиб бораётган раҳбар кадрлар ва мутахассисларнинг сифат состави сезиларли яхшиланди. Ҳозирги пайтда бошланғич партия ташкилотларига етакчилик қилаётган коммунистлар орасида 90 киши олий маълумотга эга. Уларнинг кўпчилиги мутахассислардир. Шу тарзда совет, хўжалик органлари, касаба союз, комсомол ташкилотларида иш олиб бораётган кадрларнинг сифат состави, ишчанлик маҳорати муттасил яхшиланиб бормоқда.

Шуни мамнуният билан эътироф этиш мумкинки, эндиликда район партия ташкилотларида кадрларга нисбатан эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш мустаҳкам қарор топди. Райком, барча бошланғич партия ташкилотлари бирон бир жиддий асос бўлмаган тақдирда ходимларни бир вазифадан иккинчи вазифага кўчириш ёки тез-тез алмаштириб туриш тажрибасига чек қўйдилар. Натижада кадрларимизнинг асосий кўпчилигини бутун вужуди билан ишга берилган, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини истиқболли кўзлаб ҳал этадиган ходимлар ташкил этмоқда. Улар ўз билимларини муттасил ошириб бормоқдалар, куч-тайратларини, тажриба ва маҳоратларини социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг актуал масалаларини ишчанлик билан ҳал этишга сарфламоқдалар.

Районимизда Файзулла Абдуллаев, Тожихон Мелибоева, Аббосхўжа Бакиров, Қодир Шарипов сингари ўнлаб оммя ишончини қозонган, партиявий масъулиятни чуқур ҳис этадиган малакали раҳбар ходимлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг талантли ташкилотчилари бўлган бу коммунистларга хос фазилатлар ишда ташаббус кўрсатишдан, етилган проблемаларни дадил ҳал этишдан, ҳар бир ишда ва ҳамиша аниқ мақсадни кўзлашдан иборатдир. Улар эришилган ютуқлар билан асло мағрурланмайдилар, ўзлари раҳбарлик қилаётган коллективда фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни муттасил излайдилар, меҳнатни яхшироқ ташкил этиш ҳақида қайғурадилар.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига етакчилик қилаётган раҳбар кадрларимиз составида ҳам жиддий сифат ўзгаришлари юз берди. Ҳозирда бу жабҳада фаолият кўрсатаётган 170 ходим орасида 97 киши олий, 45 киши ўрта маълумотга эгадир. Шу нарса қувончлики, 200 нафардан зиёд ўрта бўғин кадрлари орасида ҳам олий маълумотли малакали мутахассислар, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институт ёки техникумларда билим олаётган ёшлар кўпайиб бормоқда.

Район экономикасини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда саноатда ишлаб чиқаришнинг, ҳажми 12 процентдан зиёд кўпайди. Асосий фондлар 2,1 баравар, капитал маблағ сарфи икки баравар ошди, ўтган беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ялпи ҳажми икки баравар оширилди. Кўпгина хўжаликлар техника ва ердан оқилона фойдаланадиган бўлиб қолдилар. Чорвачиликда дадил қадамлар билан олга борилмоқда.

Лекин биз ишдаги камчиликларни рўйирост кўриб турибмиз. Айрим саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва имкониятларни тўлароқ ишга тушириш, мавжуд камчиликларни ишчанлик билан бартараф этиш масалалари ҳамиша ҳам изчиллик билан ҳал этилаётгани йўқ. Баъзи ҳолларда планлар бир маромда бажарилмаётир. Меҳнат унумдорлиги суст ўсмоқда. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш имкониятларидан ҳамма хўжаликларда ҳам тўла фойдаланилмаётир.

Биз бу нуқсонларга барҳам беришда ўрта бўғин кадрлари — бўлим бошқарувчилари, бригадирлар, ферма мудирлари роли, уларнинг ҳуқуқларини ошириш йўлидан бормоқдамиз. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари кадрларнинг бу қатлами билан ишлашга эътиборни кучайтирмоқдалар. Ўрта бўғин кадрлари ва мутахассисларнинг тарбиявий, ташкилотчилик ишларидаги роли оширилмоқда. Партия йиғилишларида, комитет ва бюро мажлисларида кадрларнинг ҳисоботи, ахборот мунтазам эшитиб борилмоқда. Кадрларнинг назарий савияларини ошириш, билимларини чуқурлаштириш, улар фан-техниканинг замонавий ютуқларини, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишнинг самарали усул ва методларини эгаллаб олишлари учун ғамхўрлик КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни такомиллаштира бориш район экономикасини ривожлантириш, социал-маданий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

В. КОЛЕНКО,
Калинин район партия комитетининг иккинчи секретари.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ПЕШҚАДАМЛАР

Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунда, айниқса, бирлашманинг пешқадам бригадалари алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. Чунончи, Надежда Михайловна Павлюк бошлиқ коллектив смена ва ойлик топшириқларини бир ярим баравардан бажариб, яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётир. Бригада ишлаб чиқараётган мебелларнинг 95 проценти биринчи тақдим этишдаёқ аъло сифат билан қабул қилиб олинмоқда. Бунга бригада мебелчилари иш вақтидан самарали фойдаланаётганликлари, юксак ишлаб чиқариш маданиятига риоя қилаётганликлари туфайли эришмоқдалар. Илғор бригададан ўрнак олган бошқа коллективлар ҳам шундай яхши ютуқларни қўлга киритаётирлар.

ПЛАНГА ҚУШИМЧА МАҲСУЛОТЛАР

Қизилтепа тажриба гилам тўқиш фабрикасининг коллективи ҳам 60 зарбдор ҳафталикда меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш мусобақасига қўшилдилар. Фабриканинг илғор ишчиларидан Санам Сафарова, Олима Хўжаева, Розия Исматова, Зайнаб Ориповалар ишлаб чиқариш графигидан ўзиб ишламоқдалар. Уларнинг ишдаги тезкорликлари корхонада кенг кўламда ўрганилмоқда. Кейинги пайтларда улардан ўрнак олган бошқа чеварлар ҳам юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар.

Корхонанинг техника жиҳатидан қайта жиҳозланганлиги ҳам меҳнат унумдорлигининг ошишига сабаб бўлаётир.

Юбилей йилида халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш яна 100 минг сўмлик кўпайтирилади.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

«ФАРҒОНАЧА ОПЕРАЦИЯ»

(УРУШ ЙИЛЛАРИ ЁН ДАФТАРИДАН)

Ўша суронли кунларда жанговар қисмларда учрашган юртдошлар билан роса ётамлашар ва қайтаётиб «Дийдор кўришгунча ҳайр» деб яхши ният қилардик. Йиллар ўтди. Кўплари билан дийдор кўришиш насиб бўлди, қувондик. Хоки узоқ-узоқ ўлкаларда қолиб кетганларни эслаб қайғурдик. Қалбимиз ҳамон тирик қайтганлардан қолганларини ҳам кўриш орзуси билан ёнмоқда. Қани энди уларни ҳам кўриш насиб бўлса...

Ён дафтаримнинг сарғайиб кетган саҳифаларидан бирида ажойиб коммунист, ботир жангчи Нишон Омоновнинг жанговар саргузашти ҳақидаги суҳбат муфассал ёзиб қўйилган. Омонов Андижоннинг Ворошилов районидан эди. «Бахтимиз чопиб. Андижонда кўришайлик» деб умид қилган эдик. Афсуски ҳамон дийдор кўришиш насиб бўлмади.

Нишон Омонов 1188-полкнинг 2-батальонида рота парторги, взвод командири эди. Полк 91-гвардиячи дивизия составида Россиянинг қадимий шаҳарларидан Великие Лукини озод этиш учун жанг қилаётган эди. Дивизия командири генерал-майор Дяконов «довюрак-ликда, устомонликда Омоновга тенг келадиган азамат ҳали майдонга чиққани йўқ, бизнинг дивизиямизда» дегани ҳамон эсимда. Ўшанда Омоновнинг ўзи бир жангнинг қисқа тафсилотини айтиб берган эди...

...Лавать дарёси яқинидаги қишлоқни босқинчилардан озод қилиш жангида қизишиб кетиб душман бўлинмаси банд этиб турган район ичкарисига ўтиб кетганимизни сезмай қолибмиз. Уч томондан отилаётган ўқлар бизни ерга қапишиб олишга мажбур этди. Фашист солдатлари қичқириш-шиб, босиб келишяпти. Қирғинга дучор бўлиш, ёки асирга тушиш хавфи туғиляпти. Орқадаги бўлинмаларимиздан дарак йўқ. Етти кишимиз. Наманганлик Турсун Сотиболдиев шундоқ ёнимда «Роса қопқонга тушибмиз-да, ўртоқ командир» деди. Аъзо-баданимдан ўт чиқиб кетди. Яна кимдир «ажалимиз етгани шу-да» деди. «Йўқ, бизнинг эмас, анаву газандаларнинг ажали етган» деб юборганимни биламан, иккита граната улоқтирдим, сўнг чаққонлик билан ҳеч орқамга қарамай, ун чиқармай югуриб борямман. Кўзимга душман солдатларидан бошқа ҳечким кўринмасди. Яқин боргач, яна граната ирғитдим. Олдинда тутун орасидан 5—6 та ганим автоматини биқинига босиб, ўқ узяпти, мўлжалсиз. Қия жойга таппа ташлаб, битталаб қиқитавердим. Жизиллаб оғриётганидан биқинимга ўқ текканини сезиб турибман. «Нишон, ўнг томонга қара!» деб қичқирди Токарев. Қарасам, икки немис тепамга келяпти. Бирини отиб улгирдим. Иккинчиси «Рус, қўлингни кўтар!» деб улгиролмадиям —, оёғидан чалиб йиқитдим, икки қўлимнинг панжалари томоғига омбир бўлиб ёпишган эди.

Азамат қуролдошларим етиб келишди. «Қўршовдан ҳали чиққанимиз йўқ» деб туриб эдим, орқамиздан немиснинг икки танки босиб келиб қолди. «Ҳамманг чуқурга от ўзингни, чуқурга!» деб қичқирдим ва танк томонга ёнбошдан яқинлашиб бориб, граната улоқтирдим. Ажал машинаси бир силкинди-ю, тақа-тақ тўхтади. Иккинчиси олдинда эди. У ҳам тўхтатди-да, люк очилиб, танкчи чиқди. Бизниклардан кимдир уни тил тортмасин қўйди. Ичидаги танкчилар ҳар томонга пулемётдан тартибсиз ўт очабошлади. Биз чуқурга тушиб олган эдик. Учқўрғонлик Раҳимов улоқтирган граната боғлами иккинчи танкни ишдан чиқарди. Танклар орқасидан бостириб келаётган фашист автоматчиларини саратовлик Алексей Иванов билан Токарев ён томондан чиқиб роса қирғинга солган экан... Етти кун санбатда ётиб, қайтиб келдим. Мана энди Великие Лукини душмандан тозаляпмиз... Генерал «Ташаккур сизга ўртоқ Омонов. Мукофотга тақдим этдик сизни» деб хурсанд қилганди ўша куниёқ...

Рота командири В. И. Латишев қўшимча қилди: Чорсидаги гиштин уйдан немисларни қувиб чиқаришда ҳам Омоновнинг взводи қаҳрамонлик намунаси кўрсатди. Ҳайбатли кошонани фашистлар яқинига йўлаб бўлмайдиган қалъага айлантириб юборишган экан. Олдиндаги деразалардан, подвалнинг тирқишларидан пулемёт, автоматлардан тинмай ўқ ёғиб турибди. Қисмларимизнинг йўли тўсилган, ҳужум тўхтаган эди. Бу қалъани эгаллаш вазифасини ҳеч иккиланмай коммунист Нишон Омоновга топширдик. Операция тунда бошланди. Немис мушанфовликни бир минут ҳам тўхтатмасди, қалъанинг атрофи тун бўйи сутдек ойдин бўлиб турарди. Отишма ҳам ҳеч тингани йўқ эрталабгача. Шунга қарамай азамат жангчилар эрталаб уйнинг томига қизил байроқ тикишди. Байроқ тиккан фарғоналик (Ворошилов районидан) Турдиевнинг бошида чуст дўппини кўриб батальон командири Д. И. Дивин «бу нимаси» деган эди, генерал «сўнгра» жавоб қилди: «Бу фарғонача дўппи, ўртоқ капитан. Мен Фарғонада бўлганман. Тантанали пайтлар йигитлар севган қизлари тиккан дўппиларни кийиб чиқишади». Сўнг жангчиларга меҳр тўла сўзларини айтиб, қўшимча қилди: «Бу операцияни фарғонача операция, деб атаймиз, донесениягa ёзиб қўйинг, ўртоқ капитан...».

Омоновнинг жангчилари ўзида йўқ қувонишди. Омоновни дала госпиталига олиб кетишди. Кетидан генерал «Ҳақиқий коммунист...» дегани эсимда. Мен ҳам ана шу чин ватанпарварларни яна кўриш орзусидаман. Чунки ўша куни «Азизим Нишонжон, омон бўл, яхши кунларда кўришгунча ҳайр!» дегандим.

Т. РУСТАМОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз азаматлари шу кунларда баҳорги мавсумга пухта тайёргарлик кўришяпти. Мавжуд қишлоқ хўжалик техникасининг барчаси экиш мавсумига тахт қилиб қўйилди. Суратларда: 1. Экиш мавсумига шай қилиб қўйилган қишлоқ хўжалик техникаси. 2. Илғор механизаторлар: (чапдан) А. Арабов, У. Аюпов, М. Мирсалов, Н. Мусаев, Э. Эгалиев.

А. Тураев фотолари.

КЕЧАГИ ПОЧТАДАН

ҚУРИҚДА ЯНГИ СОВХОЗ

Қоратоғ массивида — чўл ерда янги совхоз ташкил этилиб, унга қардош қозоқ халқининг атоқли оқини Жамбул номи берилди. Хўжалик меҳнат аҳли эл дастурхонини ширин-шакар мева ҳамда узум билан маъмур этишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келади.

Шу кунларда «Госкомсельхозтехника»нинг Конимех район бирлашмаси ер текислаш отряди азаматлари мардонавор меҳнат қилишяпти. Текисланган ерларга кўчат ўтказиш яқин кунларда бошлаб юборилади. Бунинг учун 140 минг туп ток қаламчаси, 5000 туп мевали дарахт ниҳоллари тайёрлаб қўйилди.

Чўлда боғ-роғлар бунёд этиш учун қалб амри билан келган кекса-ю ёш бунёдкорлик ишларини авж олдирмоқда.

Қ. ҲАМРОЕВ,
Жамбул номли боғдорчилик, узумчилик совхози бош агрономи.
Бухоро области.

МАҲСУЛОТ КЎПАЯДИ

Андижон шаҳридаги ипгазлама комбинатининг Пахтаобод шаҳридаги филиали биринчи навбати муддатидан олдин қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Комбинат қурилиши 1980 йилнинг сентябрь ойида келажак авлодларга ёзилган эсдалик капсуласи қўйиш билан бошланган эди. Комбинат қурилиши зардоб участкага айланди. Унинг қурилишида пахтаободлик ишчи ҳам, колхозчи ҳам қатнашди.

Комбинат қурилишига 8 миллион 200 минг сўм капитал маблағ сарфланди. 3,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Комбинатнинг ип-йигирув цехида Москва, Ленинград шаҳарларида ўқиб келган 300 нафар маҳаллий қизлар ишлаб турибди.

Корхона келгусида янада кенгаяди. Ишчилар сони 800 кишига етиб, дастгоҳлар тинимсиз уч сменада ишлайди.

9-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна комплекс қурувчилар бригадасининг бошлиғи Эркин Тўлашев ип-йигирув комбинати қурилишидаги меҳнати учун «Волга» автомашинаси билан тақдирланди.

Ҳозир комбинатнинг иккинчи тўқув цехини қуришга киришилди. Шу йилнинг сентябрь ойига бориб иккинчи навбат ҳам тўла қувват билан ишга туширилади.

Т. ҚУРБОНОВ,
Пахтаобод район «Пахтаобод» газетасининг редактори.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Охунбобоев номли колхознинг Янгиобод участкасида икки қаватли мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. Уни район колхозлараро механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар.

Мактабда ўқувчиларнинг яхши билим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча қулайликлар мавжуд. Ўнта фан кабинети, буфет, ошхона, радиоузел, дўрадгорлик устахонаси ўқувчилар хизматида.

Мактабда 67 нафар тажрибали педагог ёшларга таълим-тарбия бермоқда. СССР халқ маорифи аълочиси коммунист Раҳмон Қаюмов, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Рафиқ Шокировлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Охунбобоев номли колхоз территориясида қурилаётган юз ўринли икки қаватли касалхона биноси ҳам фойдаланишга топшириш арафасида турибди.

Р. БОЙНАЗАРОВ,
Сурхондарё области.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Араб Социалистик уйғониш партияси раҳбарлиги аъзоси, Сурия Араб Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри А. Х. Ҳаддам ўртасидаги музокаралар 15 январь куни Москвада ниҳоясига етди.

Яқин Шарқдаги аҳволга доир масалаларни ва баъзи бир бошқа халқаро проблемаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Совет Иттифоқи билан Сурия Араб Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

СССР билан САР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1980 йилда тузилган шартнома асосида барча соҳаларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга аҳд қилганлигини ҳар икки томон таъкидлади.

* * *

А. А. Громико А. Х. Ҳаддам шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфат вақтида А. А. Громико билан А. Х. Ҳаддам нутқ сўзладилар.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

Кечқурун А. Х. Ҳаддам Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда меҳмонни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

АДИБНИНГ ХОТИРАСИ

Таниқли шоир ва драматург, сценарийчи ва таржимон Владимир Александрович Липко шу йил етмиш ёшга тўлган бўларди. 15 январь куни Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган тантанали кеча адиббнинг юбилейига бағишланди.

Китобхонларни Навоий ва Фурқат, Мукимий ва Машраб, Ғафур Ғулом ва Миртемир, бошқа кўп авторларнинг асарлари билан рус тилида таништирган таржимонлик фаолияти учун у Сергей Бородин номидаги мукофотга сазовор бўлди. **(ЎзТАГ).**

ЁТОҚХОНА—СТУДЕНТНИНГ УЙИ

ТАРЖИМАИ ҲОЛ САТРЛАРИ

Институт бўсағасини ҳатлаб ўтган қайси йигит-қиз таржимаи ҳол ёзмаган!! Кўпинча бу нарса аранг бир қоғоз бўлади. Катта ҳаёт йўлини эндигина бошлаётганларда шундай бўлиши ҳам табиий. Умуман таржимаи ҳолнинг энг ёрқин сатрлари институтда ўқиш-ўрганиш йилларида битилади. Ёшликнинг ажойиб, бетакрор дамлари ҳам аслида шу олтин даврга — студентлик йилларига тўғри келади. Кечаги мактаб ўқувчиси беш йилда халқ хўжалигининг муайян тармоғини бошқаришга қодир мутахассис бўлиб етишади. Ўқиш йиллари студентнинг турмуш-турмуши қандай кечади! Қуйида биргина олий ўқув юрти мисолида ана шу ҳақда сўз юритилади.

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институти мамлакатимизнинг йирик олий ўқув юртларидан бири. Филиаллардагиларни ҳам ҳисобга олганда унинг кундузги бўлимида йигирма мингдан ортиқ йигит-қиз таҳсил кўрмоқда. Студентларнинг етук мутахассис бўлиб етишиши ларга пухта билим, эртанги кун талаблари даражасида таълим-тарбия беришдан ташқари кундалик турмушлари ҳақидаги ғамхўрлик қай аҳволда эканлигига ҳам боғлиқ. Айтайлик студентларга ётоқхонада қанчалик яхши шароит яратилса, уларнинг дам олиши, билимларини пухта эгаллаши, ижтимоий ҳаётда актив қатнашиши учун шунча кўп вақт қолиши сир эмас-ку!

— Бизда ўн тўртта ётоқхона бор, — дейди институтнинг ётоқхоналардан фойдаланиш-техника бўлими бошлиғи Ф. Муҳиддинов. — Улар ўртасида намунали, юксак маданиятли ётоқхона фахрий номини олиш учун социалистик мусобақа уюштирганмиз. Ўтган йил натижаларига кўра саноат-граждан қурилиши факультетининг бешинчи ётоқхонаси биринчи ўринни олиб, кўчма вимпел билан тақдирланди. Ётоқхоналарда олти мингдан ортиқ йигит-қизга ўз уйидан йироқда яшаётгани сира-сира билинмаслиги учун ҳамма шароит яратишга ҳаракат қилинмоқда. Ҳар бир ётоқхонада чиройли қилиб жиҳозланган Ленин хонаси, дарс тайёрлаш учун махсус зал бор. Кир ювиш, кийим қуритиш ҳамда дазмоллаш учун алоҳида-алоҳида хона ажратилган.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёни тобора мураккаблашиб бормоқда. Бўлажак инженердан муайян ишлаб чиқариш участкасини бошқаришда мураккаб машина-механизмлар «тили»ни билишдан ташқари ташкилотчилик қобилияти ҳам талаб этилади. Кейинги пайтда уларнинг ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиясига жуда катта аҳамият берилаётганининг боиси ҳам шунда. Бу борадаги ишнинг катта қисмини ётоқхоналарда ўтказиш мумкин.

... Мана, 5-ётоқхона жойлашган беш қаватли гиштин бино, Ҳаммаёқ — вестибюль ҳам, коридор ва зиналар ҳам ораста, батартиб, шинам. Айниқса, иккинчи қаватдан кўз қувонади. Бу ерда қизлар яшар экан. Хоналардан бирида қорақалпоғистонлик Х. Бекимбетова, шаҳрисабзлик Н. Одилова, олмаликлик Х. Исаева билан Г. Қорабоеваларни учратдик.

— Танлаган ихтисос бўйича билим олиш билан бирга дарс тайёрлашимиз, ўз устимизда ишлашимиз учун, бўш вақтни фойдали ўтказиш учун шароит яратиш бўлса, шунчалик бўлар-да, — дейди тўртинчи курс талабаси Х. Бекимбетова. — Ана, зал — чизмачилик ишлари учун махсус столларгача қўйилган, доска ҳам бор. Керакли адабиётларни кўчма кутубхоначадан олиш мумкин. Кўчанинг шундоққина нариги бетида ошхона. Эрталаб етти яримдаёқ нонушта тайёр. Истамасанг, ҳар бир қаватга газ плиталари қўйилган ошхона — пазандалик маҳоратингни кўрсатавер. Ота-онанг бағрида ҳам шуда!

Ҳар бир ётоқхонада бўлгани каби бу ерда ҳам студентлар совети тузилган. Совет сиёсий-тарбиявий, хўжалик ва студентларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш масалаларини қамраб олувчи комплекс план асосида иш олиб боради. Вақти-вақти билан хоналар текширилади. Камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш йўллари белгиланади. Бу ерда қизлар клуби ишлаб турибди.

14-ётоқхонада хориждан келиб ўқиётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Студентларнинг интернационал «Дўстлик» совети бу ерда турли тадбирлар ўтказиб туради. Чет эллик талабаларга фан асосларини пухта эгаллашларида кўмаклашиш, улар учун дўстлик кечалари, миллий байрамлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, донгдор кишилар билан учрашувлар ўтказиш совет планидан муқим жой олган. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари, халқларимиз урф-одатлари, Ўзбекистон ва умуман мамлакатимизнинг тарихи билан танишишда уларга яқиндан ёрдам берилмоқда. Дўстлик кечаларини Вьетнам ва Монголия студентлари бадиий ҳаваскорлик ансамбллари, шунингдек, бирлашган интернационал ансамбль чиқишлари янада мазмунли қилади.

Политехника институтининг студентлар шаҳарчасидаги ётоқхоналарида истиқомат қилувчи ёшларга стадион ва спорт комплекслари, тўрт юз ўринли «Райҳон» ошхонаси, «Лобар» кафеси, қўш чойхона, маиший хизмат кўрсатиш уйи, ҳаммомкир ювиш комбинати, озиқ-овқат ва мева-сабзавот магазинлари, қўйинг-чи, «Аэрофлот» кассасидан тортиб, прокат пунктигача хизмат кўрсатмоқда.

— Маъмурият, партия комитети ва жамоат ташкилотлари бўлажак инженерларнинг ўқишдан ташқари кечиб диган ҳаёти ҳақида ҳам жуда катта ғамхўрлик қилмоқда, — деди институт партия комитетининг секретари И. Ливерко. — Партия комитети студентлар ётоқхоналаридаги оммавий-сиёсий, тарбиявий ва маданий ишлар аҳволини тез-тез муҳокама этиб туради. Ётоқхоналаримиз факультетларга қараб тақсимланганлиги ларда бу хил тадбирлар ўтказиш савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар чоршанба бизда ягона сиёсий ўқув куни деб белгиланган. Лекторларимиз муайян мавзу бўйича бевосита ётоқхоналарда ҳам лекциялар ўқишади. КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта тарбиявий аҳамиятга молик «Эсдаликлар» китоби ҳам ана шу йўл билан ўрганилади. Ётоқхоналарда олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилашда студентлар советлари билан факультет деканларининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарлари бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Кечқурунлари ётоқхоналардаги Ленин хонаси гавжум бўлиб қолади. Бу ерда янги газета ва журналларни ўқиш, халқаро ҳаёт, жаҳондаги сўнгги воқеалар ҳақида мароқли суҳбатлар тингланади, муноза-ралар ўтказиш мумкин. Ётоқхоналарда институт ўқитувчилари навбатчилик қилиши анъана бўлиб қолган. Ана шу тадбирни бу ерда янги йўналишга буриб юборганлар. Натижада навбатчиликнинг самарадорлиги, сиёсий-тарбиявий аҳамияти бениҳоя ошди. Ахир, ҳар бир ўқитувчи ётоқхонадаги, бир пиёла чой устидаги суҳбат асносида кўп нарсаларни тушунтириб, ер курраси-нинг турли чеккаларида рўй бераётган воқеалар, фан ва техника янгиликлари ҳақида, машғулотларга, спиф ва ижтиҳодларга тайёргарлик методлари хусусида фикрлашиб олар-кан, студентнинг ҳақиқий мураббийси, яқин маслаҳатчиси бўлиб қолади.

... Бўлажак инженерлар шундай яшамоқда. Уларнинг таржимаи ҳоли янги сатрлар билан бойимоқда.

Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АСРЛАР СИР САҚЛАГАН ШЕЪРИЙ ХАЗИНА

Маданий меросимиз дурдоналари

Кўп асрли тарихга эга бўлган ўзбек классик адабиёти дунё адабиётига муҳим улуш қўшди. Бу адабиётнинг энг яхши обидалари инсонпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик, эл-юрт осойишталиги учун кураш, севги, садоқат, дўстлик ва меҳнатсеварлик ғояларини юксак санъаткорлик маҳорати билан ифодалаб, тарғиб қилиб, тарихга, даврлар ва авлодларга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Ўзбек классик адабиётининг кўпгина ёдгорликлари замонасининг хушхат хаттотлари, мусаввир ва саҳофлари томонидан китобат қилиниб, фақат адабиёт асари сифатидагина эмас, балки санъат обидаси сифатида ҳам шуҳрат топган.

Ўзбек классик адабиёти бойликларини тўплаш, таснф этиш ва тадқиқ қилиш, уларни тарғиб этиб, кенг халқ оммасининг мулкига айлантириш соҳасида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин янги ва ниҳоятда самарали даврбошланди. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ва унинг базасида вужудга келган Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти ўзбек классик адабиёти нодир бойликлари сақланаётган катта илмий муассасалардир. Шу билан бирга, ўзбек классик адабиёти бойликлари Ленинград, Москва ва қардош республикаларнинг китоб фондларида, кўпгина кутубхона ва музейларда сақланиб келмоқда. Ўзбек классик адабиётининг айрим нодир обидалари чет эл китоб фондлари, чунонч Лондондаги Британия музейи, Париждаги Миллий кутубхона, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатлардаги илмий-маданий муассасаларда мавжуд. Бу фондлардаги ёдгорликларнинг нусхаларини олиш ва уларни ўрганиш соҳасида талай ишлар амалга оширилди.

Атоқли тадқиқотчи-манбаъшунос, матншунос ва илмий таҳлилотчи, илмнинг фидойи заҳматкаши Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, профессор Ҳамид Сулаймонов бу борада кенг кўламда катта хизмат қилди. У Иттифоқимиз фондлари билан бирга, чет эл китоб фондларини ҳам ўрганди. Олим Лондон ва Париж, Ҳирот ҳамда Ҳиндистонда бўлиб, археографик — қадимги қўлёзмаларни топиш ва ўрганиш бўйича экспедициялар ўтказди. Шу изланиш ва тадқиқотлар натижасида Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фонди қисқа вақт ичида кўп нодир қўлёзма ва қўлёзма нусхалари билан бойиди, ўзбек адабиёти билан бирга форс-тожик, озарбайжон ва бошқа тиллардаги қимматли ёдгорликлар ёки уларнинг нусхалари тўпланди, миниатюра санъати, хаттотлик ва бошқа соҳаларнинг обидалари фондга улуш бўлиб қўшилди.

Ҳ. Сулаймоновнинг катта изланиш ва тадқиқотчилик фаолиятида Ҳиндистон экспедицияси, хусусан шу кунга қадар фанга, жамоатчиликка номаълум бўлиб, асрлар сир сақлаб келган ўзбек классик адабиётининг нодир бир хазинаси бўлмиш Ҳофиз Хоразмий девонининг топилиши катта ҳодиса бўлди.

Ҳофиз Хоразмийнинг кашф этилиши туркий тилдаги адабиётнинг илк буюк обидаси — Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» достони XIX аср бошларида, туркий тиллар қомуси бўлмиш Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» китобининг XX аср бошларида топилиши каби улкан кашфиётдир. Ҳофиз Хоразмий кўп асрли ўзбек классик адабиётида янги ном — дунёвий адабиётнинг баркамол намояндаси, Навоийга қадар етишган буюк санъаткорларидан бири.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти 1981 йилда Ҳофиз Хоразмийнинг икки китобдан иборат «Девон»ини босиб чиқарди. Девонни марҳум Ҳамид Сулаймонов ва унинг ҳаёт йўлдоши, олима Фозила Сулаймонова нашрга тайёрлаган. Қўлёзмани нашрга тайёрлашда муҳаррирлар — заковатли филолог, профессор Алибек Рустамов ҳамда филология фанлари кандидатлари Ш. Шарипов, М. Раҳматуллаевалар катта меҳнат қилишган.

Девоннинг биринчи китобига 548 ғазал, иккинчи китобга 504 ғазал (жами 1052 ғазал), 1 мухаммас, 2 мустазод, 1 таркиббанд, 3 таржеъбанд, 31 қитъа, 11 рубоий киритилган. Нашриёт ва босмахона китобнинг чиройли, зийнатли чиқишига катта эътибор беришган.

Девоннинг нашр этилиши — маданий ва адабий ҳаётимизда катта воқеадир. Асрлар сир сақлаб келган номаълум шоир ва унинг ягона қўлёзма девони деярли тўла ҳажми билан минглаб китобхонлар жамоатчилигига тақдим этилди. Ҳофиз Хоразмий меросини тадқиқ этиш филология соҳасида маълум бир босқич бўлади, ўзбек шеърияти ва ўзбек адабий тили тараққиётининг янги боб ва саҳифалари ёзилади, филологлар билан бирга бу меросни тарихчилар, философлар, этнографлар ва бошқа соҳа олимлари ҳам ўрганиб, фаннинг очиқ қолган айрим саҳифаларини тўлдирадилар. «Ҳофиз Хоразмийнинг шеърий меросн, — деган эди Ҳ. Сулаймонов, — илмий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотар ва бу улкан меросни ҳар ёқлама юқори савияда ўрганишга ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар ўз ҳиссаларини қўшарлар деган умиддамиз» (16-бет). Ҳамид Сулаймонов ёзган сўз боши — «Ҳофиз Хоразмий» мана шундай тадқиқотларнинг яхши дебочаси бўлиб қолади.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистоннинг кўп асрли иқтисодий-маданий алоқаси, бу алоқаларнинг уч аср давом этган бобирийлар даврида янада кенгайиши ва такомиллашуви Ҳамид Сулаймоновнинг эътиборини жалб қилади. «Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга борган алломалар билан бирга, — деб қайд қилади у, — кўплаб китоблар ҳам ўтиб кетганлиги турли манбаларда озми-кўпми зикр этилган» (ўша ерда). Шу билан бирга, олим изланиш ва тадқиқотлар на фақат тарихий-маърифий, балки ҳозирги давр учун ҳам ғоятда аҳамиятга молик эканини кўзда тутади: «Бобир ва бобирийлар ҳинд халқи тарихида қандай роль ўйнаган, халқларимиз ўртасидаги узоқ асрлик тарихга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари, санъат, адабиёт, маданият обидаларида қандай из қолдирган? Хуллас, ҳар икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар прогрессив инсоният учун нималар берди?» (ўша ерда). Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари иқтисодий ва маданий алоқаларини тарих ва ҳозирги замон нуқтаи назаридан ўрганиш кўплаб тадқиқотлар олиб боришни тақозо этувчи катта соҳадир. Ҳайдарободдаги Салоржанг музейида 4298 рақами остида «Девони Ҳофиз ба забони туркий» деб таъкидланган қўлёзма ҳам бор экан. Олим бунн Ҳофиз Шерозий шеърияти таржимаси бўлса керак деб фараз қилади, аммо кейинчалик қўлёзма нусхасини олиб, диққат билан мутолаа қилиш ва Ҳофиз Шерозийга қиёс қилиш натижасида, тамомила янги, оригинал ва буюк бир ўзбек шоирининг мероси кашф этилганини кўради. Бу — XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг ўрталаригача яшаб ижод этган Абдурраҳим Ҳофиз Хоразмий эди. Асли хоразмлик бўлган Ҳофиз кейинроқ Шерозга боради. 1414—1435 йилгача пойтахти Шероз бўлган Форс вилоятида ҳукмронлик қилган Султон Иброҳим саройи билан алоқада бўлади, 1435 йилда унинг вафоти муносабати билан марсия ёзади. Шоир, Ҳ. Сулаймонов таъкидлаганидек, катта замондоши, улуғ шоир Ҳофиз Шерозийга эътиқоди ҳамда орзу тарзида ўзига Ҳофиз сўзини тахаллус қилиб олган. Бунга жумладан қуйидаги байт ҳам ишора бўла олади:

Шерозий турклларга эл тунг бу шеъриким,
Сурдум бу тавр узра
Ҳофиз бикин каломе.

У айрим шеърларида асли номи — Абдурраҳимни тахаллус ўрнида ишлатса, асосан Ҳофиз тахаллусини қўллайди, икки ўринда эса янада аниқроқ қилиб Ҳофиз Хоразмий дейди.

Ҳофиз дунёвий адабиётнинг забардаст намояндаси. Унинг мероси тематик-ғоявий кўлами, бадиий савияси, жанр хилма-хиллиги билан, тил бойлиги, маърифий маълумотлари, халқ шеъриятига яқинлиги ва бошқа жиҳатлари билан ғоятда қимматлидир. Ҳофиз — лирик шоир. Бу лирика инсонпарварлик ва халқпарварлик, эзгулик ва олийжаноблик ғоялари билан суғорилган. Шоир ўз ғоявий мақсадини юксак санъаткорлик маҳорати билан мисраларга сингдиради, халқ шеърияти каби равон ва мусиқий назм инжуларини яратади. Ҳофиз Хоразмий шеърияти учун ҳам бутун ўзбек классик лирикасида бўлгани каби ғазал етакчи жанрдир. Севги, инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати Ҳофиз ғазалиётининг бош мавзуи. Шоирлар шу мавзу орқали социал ҳаёт масалаларини, муҳитдан шикоят мотивларини ҳам ифодалар эди. Ҳофиз ғазаллари ҳам замондошлари Атойи, Лутфий ғазалиёти каби мазмуни ҳам, бадиий формаси ҳам ғоятда баркамол. Мана икки ғазалдан бир неча мисра:

Қани ўш улки кўнгул
ишқ бирла хуррам эди,
Сафоу завқ била дўст
бизга маҳрам эди,
Қани ўш улки меҳнат
днёрида доим,
Бинойи аҳду вафо
устивору муҳкам эди...
Қани ўшулки, бу Ҳофизга
завқ эди бисёр,
Тақи жафову алам бирла
дарду ғам кам эди.
Оламнинг ичра ҳолима
маҳрам кўрунмади,
Бу жон тақи бу хастага
ҳамдам кўрунмади.
Мушкилки шодмон бўла
билсам бу дунёда,
Халқи замон чу хурраму
беғам кўрунмади.

Бундай мисралар ўзбек классик шеъриятининг энг гўзал обидаларига, жумладан улуғ Алишер Навоий адабиётига жўр ва ҳамоҳангдир.

Ҳофиз Хоразмий девони нашрида айрим жузъий камчиликлар содир бўлган. Шулардан айримларини кўрсатиб ўтамиз. Девонда (1 китоб) берилган 6-ғазал билан 54-ғазал айнан бир бўлиб, транслитерацияда 3 та фарқ бор. Нима учундир форс тилида битилган 54- ва 91-ғазаллар тушириб қолдирилган. Ваҳолонки, бу зуллисонайнлик анъаналари жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Биринчи китобнинг 65-бетида 93-ғазал тугаб, 94-ғазал бошланиши олдида ораға икки байт кириб қолган, бу қандай рўй бергани (агар қўлёзмада шундай бўлса) изоҳсиз қолган. Айрим сўзлар ё қофия ёки вазн талаби билан икки формада ёзилиши ҳоллари бор. Аммо айрим ўринларда бундай эътиёж бўлмагани ҳолда баъзи сўзлар икки хил ёзилган. Баъзи ўринларда қофия талаби ҳисобга олинмаган.

Китоб оммавий нашр бўлгани учун (унинг тиражи 60 минг) қисқача луғат илова қилиш лозим эди. Кейинги нашрларда бу ва бошқа камчиликлар бартараф этилар. Аммо муҳими шундаки, Ҳофиз Хоразмий девони асрлар кечиб, китобхонларга тақдим этилди.

Ҳофиз — буюк сўз саррофидир. У шеъриятдан юксак маъно ва мазмун, ғоя ва мақсадни кўзда тутади, шуни шиор қилиб олади.

Агар саррофи сўз эрсанг
ўқи девонини доим,
Чу маъно гавҳаридан тўлу
эрур баҳри девони...
Либосу суврати сўздин
мурод ул зоти маъпудур,
Каракса бўлсун сўз
туркию, ибрию, сурёний.

Сўз саррофи Ҳофиз Хоразмий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Ҳоқонийи, Салмон Соважи каби улуғ сўз санъаткорларини шарафлайди, уларга таъзим қилади. Ҳофизнинг ўзи ҳам шеърияти билан, туркий-ўзбек тилидаги назм ҳамолоти билан шу шоирлар қаторидан ўрин олган эди. У бир фахриясида ҳақли равишда айтган эди:

Турк жинсинда паямбар
бўлмоқи бўлса раво,
Бўлғай эрдим ман
паямбар, шеърларим
мўъжизот.

Афсус, қандайдир тасодиф, сабабият ушбу «мўъжизот»ни тарихнинг «сирлар сандиғи»га ташлаган, уни яшириб қўйган. Бу жумбоқнинг моҳияти ва сабабияти кейинроқ, янги изланиш ва тадқиқотлар билан ойдинлашар. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, китоб нашр этиш техникаси бўлмаган, қўлёзма нусхалар кўпайишга улгурмаган, жанглар жадаллар кўп бойликларни емирган ёки унутга айлантирган замонда бундай ҳодисаларнинг рўй бериши мумкин эди. Аммо «асрлар сир сақлаган» Ҳофиз Хоразмий бизнинг замонамизда «асрлар сирлигидан» нажот топди, ғўё янгидан туғилди, янги умрга йўл олди. Уни асрлар мобайнида китоблар хазинасида сақлаб келган ҳинд халқига ташаккур деймиз, халқлар орасидаги осойишталик ва дўстликка янада равнақ тилаймиз.

Н. МАЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

ТЮМЕНЬ

Уренгой-Новопсков газ қувурининг дастлабки участкалари пайванд қилинди. Бу ерости магистрали ҳар йили мамлакатнинг Европа қисмига 30 миллиард кубометр газ етказиб беради. Сибирликлар газ қувурининг 850 километр узунликдаги Тюмень участкасини планда кўзда тутилганидан бир ой илгари қуриб битказишга қарор қилдилар.

ОДЕССА

Одесса киностудиясида суратга олика бошланган, «Парвоз» бадиий фильми Сергей Павлович Королевнинг ёшлигига бағишланади. Бу шаҳарда ракета-космик системаларнинг бўлажак конструктори 6 йил яшаб, илк бор авиацияга ихлос қўйган эди. Фильмда бош ролни Ленинград ёш томошабинлар театрининг актёри В. Баранов ижро этади. У кинода биринчи марта роль ўйнамоқда.

КИЕВ

Сумм областининг Белополье шаҳрида халқ картина галереяси очилди. Галерея экспозициясини район аҳолисига Украина рассомлар союзи тухфа этди. Бу ерда тасвирий санъат соҳасидаги машҳур асарлар билан бирга мўйқалам ва ўймакорлик усталарининг область қишлоқлари бўйлаб ижодий сафари вақтида яратилган асарлари ҳам қўйилди. Янги галерея жамоатчилик асосида ишлаб турган республикадаги эллигинчи бадиий музейдир.

АРЗАМАС

Бу ерда Гайдарга бағишланган анъанавий ҳафталик бошланди. Адабий байрамлар ва ажойиб ёзувчи асарлари асосида яратилган фильмлар кўриклари ўтказилади. Гайдар мемориал музейида «Узоқ мамлакатлар» китоби босилиб чиққан кунинг 50 йиллигига бағишланган виставка очилади. Ҳафталик шаҳар мактабларида «Гайдарга салют» деган мавзуда ўтказиладиган дарс билан ниҳоясига етказилади.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

«ЗАНГОРИ ЁҚИЛҒИ» БИЛАН

БЕРЛИН. ГДР жанубидаги округ маркази — қадимий Зуль кўчаларида яқинда пайдо бўлган такси машинаси умуман бошқа машиналардан ҳеч фарқ қилмаса ҳам, аммо у шаҳарда двигатели газ ёрдамида ишлайдиган бирдан-бир машинадир.

Зуль автокомбинатида «зангори ёқилғи» билан ишлаш учун қайта жиҳозланган янги машиналнинг дастлабки синовларидёқ бу янгилиқнинг самарадорлиги ва истиқболлилигини тасдиқлади. Бензин ўрнига ишлатиладиган ва иккита махсус баллонга жойланадиган суюлтирилган газ асосида ишлатила бошлаган машиналнинг қуввати камайгани йўқ, унинг бошқа хусусиятларига ҳам шикаст етмади. Бундай автомобилдан чиқадиган газ атрофмуҳитни мутлақо ифлослантирмайди, бундан ташқари унинг арзон тушиши ва тежамлилиги ҳам шак-шубҳасиз фазилатлари жумласига киради.

ЭҲМ САВДО ТАРМОҒИ

ПРАГА. Молларни ҳисоб-китоб қилиш ва тақсимлашнинг автомат системаси кенг жорий этилганлиги туфайли Чехословакия савдо тармоғи иши анча яхшиланди. Энди магазинларга хизмат қилувчи барча омборлар ва савдо базаларининг ишини ЭҲМ комплекси тўла-тўкис назорат қилиб турибди. Компьютерларни ишлатиш натижасида 12 минг омборчи, товаршунос, бухгалтер, ҳисобчининг меҳнатига эҳтиёж қолмайди.

ЧССР халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ҳисоб техникасидан кенг фойдаланиш — фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришнинг, экономика самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу беш йиллиннинг ўзида савдодаги ҳисоб-китоб ва планлаштириш системасига яна 60 та ЭҲМ берилади.

ЮКСАК СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

СОФИЯ. Нови-Пазар шаҳридаги «Китка» чинни ва шиша рўзғор буюмлари комбинати ишлаб чиқараётган биллур маҳсулотларининг юздан ортиқ тури юқори сифатли бўлганлиги учун Болгариядаги энг юксак «К» белгисига сазовор бўлди. Бу маҳсулотлар янги оригинал технология асосида тайёрланади.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

ВАШИНГТОН, 15 январь. (ТАСС мухбири). АҚШнинг кенг илмий доиралари Рейган маъмуриятининг Совет Иттифоқига нисбатан бир томонлама камситувчи чораларини қатъий қоралаган ҳолда совет олимлари билан ўзаро манфаатли илмий-техникавий алоқаларни сақлаш ва ривожлантиришни ёқлаб чиқмоқдалар. Америкадаги бир қанча таниқли фан арбобларининг ТАСС мухбири билан суҳбатда айтганлари шундан далолат беради.

Америка олимлари Совет Иттифоқидаги ҳамкасблари билан алоқаларни доимо ривожлантириб ва чуқурлаштириб боришни истайдилар, деди Колумбия университетининг таниқли профессори, физик олим Ричард Гарвин. Биз, деди у, СССРдаги олимлар каби шундай алоқалар натижасида кўп нарсаларга эришдик. Бундай алоқаларни давом эттириш икки мамлакатимизгагина эмас, шу билан бирга бутун дунёга, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига ҳам наф келтирган бўлур эди.

Олимлар ҳамкорлиги улар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилаш борасида ўзига хос кўприк бўлиб, халқларнинг муҳим манфаатларига хизмат қилади, деди АҚШ миллий фанлар академияси медицина институтининг президенти Фредерик Роббинс.

Совет ҳамкасбларимиз билан муносабатларимиз ўзаро ҳурмат-эътибор асосида қурилмоқда, биз уларнинг орттирган тажрибаси билан самимий баҳам кўриш истакларини ғоятда қадрлаймиз, деди Гарвард университетининг медицина профессори Дэвид Гамбург. Медицина соҳасида Совет-Америка биргаликдаги ҳамкорлиги иккала мамлакатга катта наф келтиради. Чунки инсон саломатлигини сақлаш, турли касалликларга қарши кураш вазифаси умумий вазифадир. Совет ҳамкасбларимиз билан яхши амалий алоқалар ўрнатганмиз. Менимча, АҚШ миллий соғлиқни сақлаш институти билан СССР Фанлар академияси ўртасида юраккон томир касалликларига қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик айниқса самарали ва фойдалидир. Бу соҳада ғоятда муҳим натижаларга эришилди, деди Д. Гамбург.

А. ЛЮТИН.

Нигерия—Камерун ахбороти

ЛАГОС. (ТАСС). Нигерия президенти Ш. Шагари ва Камерун президенти А. Ахижо ирқчи ЖАРни Намибияга мустақиллик беришга мажбур этиш учун унга қарши кенг кўламда жазо чораларини кўришни талаб қилдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Нигерия— Камерун қўшма ахборотида Намибия проблемасини ҳал этишнинг пайсалга солинаётганлигидан ташвишланганликларини билдириб, бу масалани Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ тезда бартараф этиш зарурлигини айтдилар. Улар ЖАР қўшинларн томонидан мамлакат қонунга ҳилоф равишда оккупация қилинганлигига қарши курашда Намибия халқига ёрдам беришни давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Томонлар Африка давлатларини ва халқаро ҳамжамиятни Африка бирлиги ташкилотининг Чаддаги можарони тинч йўл билан бартараф этишга қаратилган кучғайратларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Улар Яқин Шарқдаги аҳволдан ташвишланганликларини ҳам изҳор этдилар, Исроилнинг Жўлан тепаликларини ўзига қўшиб олиш режаларини қатъиян қоралаган ва Исроил ҳарбийлари босиб олган барча араб ерларини оккупация қилиш тўхтатилишини талаб қилдилар.

Нигерия ва Камерун президентлари одилона халқаро иқтисодий тартиб ўрнатилишини ёқлаб чиқдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР КАМСИТИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН, 15 январь. (ТАСС). Р. Рейган маъмурияти хотин-қизларнинг камситилишига барҳам бериш нияти тўғрисида эўр бериб жар солаётганлигига қарамай, бу шармандали иш Қўшма Штатларда ҳамон давом этмоқда. АҚШ хотин-кизлари миллий ташкилотининг баёнотида ана шу ҳақда гапирилади.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидланади баёнотда, америкалик хотин-қизлар эркаклар билан баравар меҳнат қилишлари, тенг малакага эга бўлганлари ҳолда уларнинг оладиган маошлари эркаклар иш ҳақининг атиги 59 процентини ташкил этади. Жумладан, давлат секторида минглаб иш жойларини қисқартиришни кўзда тутувчи маъмуриятнинг иқтисодий программаси, дейилади сўнгра ҳужжатда, хотин-қизлар ўртасида ишсизларнинг янада кўпайишига олиб келади.

Финляндиянинг шаҳарларида, округ марказларида «Европа шимолида ядросиз зоналар учун!», «Ядро қуролига чек қўйилсин!» шиорлари остида тинчлик маршлари бўлиб ўтди. Сиёсий семинарларда қуролланиш пойгасига қарши актуал масалалар муҳокама қилинди. Суратда: Финляндия пойтахти — Хельсинки кўчаларидан ўтаётган тинчлик марши қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИГА ИЎЛ ҚЎИИЛМАСИН

ЛИССАБОН

Парламент комиссияси бу ерда яна ўз ишини бошлади. Унга Португалия конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш топширилган.

Мамлакатнинг бундан кейинги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожи кўп жиҳатдан конституциянинг қайта кўриб чиқилишига боғлиқдир. «Демократик иттифоқ» деган ҳукмрон ўнг партиялар блоки асосий қонунга туб ўзгаришлар киритишни қаттиқ талаб қилмоқда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикаси пойтахтида «Улуғ Ватан уруши тасвирий санъатда» номли бадиий совет виставкаси очилди. Пхеньян бадиий музейи залларига қўйилган экспозиция Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тормор этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган. Виставкада СССР марказий революция музейи фондларидан 150 га яқин таниқли совет рассомлари, ҳайкалтарошлари ва графикларининг асарлари қўйилган.

Виставкани очиш маросимида унинг иккала мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши таъкидланди.

ПАРИЖ. «Франция —СССР» жамияти аъзолари ва рус тили ўқитувчилари жамияти 1982 йилни Францияда «Рус тили йили» деб эълон қилишга қарор бердилар. Улар шу кампания даврида рус тилини ўрганиш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлар шартномаларини самаралироқ амалга ошириш мақсадида иш олиб борилади, деб таъкидладилар. Зунинг учун, жумладан Франция билан СССРнинг биродарлашган шаҳарлари ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларидан кенг фойдаланилади.

БАЙРУТ. Фаластин Қизил ой жамияти ахборот хизматининг бу ерда нашр этган «Маданиятлилар» номли асари Исроил агрессорларининг араб халқларига қарши олиб бораётган жиноятини фош этувчи яққол ҳужжатдир. 100 саҳифадан иборат бу китобда текст йўқ. Унга 1981 йил 17 июлда Исроил авиацияси Байрутдаги фаластинлик қочоқлар яшаётган Фаҳҳоний аҳоли пунктини ваҳшийларча бомбардимони оқибатлари тасвирланган фотосуратлар қўйилган. Бу фотосуратларда вайрон бўлган уйлар, гўдаклар, хотин-қизлар, қарияларкинг жасадлари тасвирланган. Китобдаги материаллар Тель-Авивнинг Ливанга ва Фаластин қаршилик ҳаракатига нисбатан қилаётган агрессив ҳаракатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тамомила хилоф эканлигини яққол тасдиқлайди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Уругвай экономикасининг асосий тармоқларини қамраб олган иқтисодий танглик кўпгина пойафзал ва тўқимачилик фабрикаларининг инқирозга юз тутишига, бир қанча савдо фирмаларининг синишига сабаб бўлди. Оммавий бўшатишлар натижасида минглаб ишчи ва хизматчилар ишсиз қолди.

Нарх-навонинг тинимсиз ўсиши меҳнаткашларнинг аҳволини тобора оғирлаштирди. Уругвайда чиқадиган «Дма» газетасининг ёзишича, ўтган йили нарх-наво 30 процент ошган.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ДЎСТЛИК ВА ЖИПСЛИК БЕЛГИСИ ОСТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари, ПХР ташқи ишлар министри Ю. Чирек билан Москвада ўтказган музокаралари Совет Иттифоқи билан Польша Халқ Республикаси ўртасидаги, иккала мамлакатнинг халқлари ўртасидаги иттифоқ, дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлигини ҳамда самарадорлигини яна бир бор тасдиқлади. Тўла ҳамжиҳатлик белгиси остида ўтган музокаралар давомида министрлар Совет — Польша муносабатлари дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосида, давлатларимизнинг Варшава Шартномасида ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида актив иштирок этиши негизида бундан буён ҳам ривожланаверишига астойдил ишонганликларини изҳор этдилар.

Министрлар айниқса империализм ва милитаризм кучларининг ҳаракатлари натижасида ҳозирги халқаро вазият умуман чигаллашганлиги муносабати билан унинг бир қанча энг муҳим проблемаларини кўриб чиқдилар. Улар АҚШ ҳукуматининг СССРга ва ПХРга қарши кўрган камситувчилик чораларини кескин қоралаладилар. Музокаралар якунида эълон қилинган қўшма ахборотда бу чоралар Польшадаги аҳволни нормаллаштиришга ва унинг танглик ҳолатидан чиқишига тўсқинлик қилиш йўлидаги уринин деб, Польшанинг социалистик негизларини қўпоришга ва бу мамлакатни Европадаги кескинлик манбаига айлантиришга қаратилган ҳаракат деб баҳоланади. Москвадаги музокаларда НАТО мамлакатлари ташқи ишлар министрларининг Брюссель кенгаши баёноти суверен Польшанинг ички ишларига қўпол аралашиш учун қилинган уринин, деб рад этилди.

СССР билан ПХР ўртасида 1982 йилги товар оборот ва тўловлар тўғрисида яқинда Москвада имзоланган протоколда ҳам умуман чуқурлашиб ва кенгайиб бораётган Совет — Польша қардошлик муносабатларининг самараси деб билмоқ керак. Совет кишилари ўз интернационал бурчига содиқликларини, дўстларига ва иттифоқчиларига ҳамишаёрдам беришга тайёр эканликларини бу ҳужжат яна бир бор тасдиқлади.

Социалистик интернационализм принципларига садоқатли Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар контрреволюциянинг ҳаракатлари натижасида зарар кўрган халқ хўжалигини қайта тиклашда поляк халқига ёрдам ва мадад бермоқдалар ва келгусида ҳам бераверадилар.

ПУЧ УМИДЛАР

Қўшма Штатлар ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари суверен Польшанинг ички ишларига қўпол аралашиш ва халқаро кескинликни кучайтириш йўлини давом эттирмоқдалар. 11 январь куни Брюсселда бўлиб ўтган НАТО кенгашининг махсус сессияси шундан далолат беради. Шимолий Атлантика блоки ташқи ишлар министрлари иштирокида ўтказилган бу сессия бирдан-бир масалани — Польшадаги аҳвол масаласини муҳокама қилиш учун АҚШ маъмуриятининг ташаббуси ва кистови билан чақирилди. Сессия охирида эълон қилинган баёнот шуни жуда очиқ равшан кўрсатдики, ахборотни тузган кимсалар ҳақиқий воқеаларни бузиб, фактларни андишасизларча қалбакилаштириб, бошқа бир давлат ўз ички ишларини қандай ҳал қилиши кераклиги тўғрисида унга буйруқ бериш ҳуқуқини сурбетларча даъво қилиб чиқдилар.

НАТО мамлакатларининг министрлари аламларига ҳеч чидай олмаяптилар. Буни қарангки, Польша маъмурлари ўз мамлакатининг конституциясига биноан кўрган самарали чоралар туфайли ҳавф солиб турган граждан урушининг олди олинди, миллий фалокат хавфи тугатилди. Бошқа сўзлар билан айтганда, Польшадаги социалистик тузумни тугатиш учун ғарбда ишлаб чиқилган жозибадор сценарийлар қоғозда қолиб кетди, уларнинг муаллифлари эса ўз умидлари пучга чиққанини, Польшадаги аҳвол тобора нормал изга тушиб бораётганини кўриб даргазаб бўлишдан бошқа илож тополмаяптилар.

Брюссель баёноти поляк халқининг ашаддий душмани ким эканини бутун дунёга яққол намойиш этди. Айни ҳозир, Польшадаги вазият барқарор бўлиб бораётган, узоқ давом этган тартибсизликдан сўнг яна завод ва фабрикалар бир маромда ишлаётган, аҳолининг таъминоти йўлга қўйила бошлаган бир пайтда Вашингтон маъмурияти бунга ҳалақит беришга урниниб, ПХРга нисбатан иқтисодий ва бошқа «жазо чоралари» кўришга киришди ва НАТОдаги ўз шерикларини ҳам шу қўпорувчилик йўлини қўллаб-қувватлашга мажбур этмоқда.

АҚШ ва унинг иттифоқчилари Польшани яна вайронгарчилик ва бошбошдоқлик ҳолатига дучор қилиш муддаосини фош этиб, бу мамлакатдаги ҳарбий ҳолатни бекор этишни ва шу тариқа вазиятни соғломлаштириш борасида бошланган жараённи тўхтатиб қўйишни талаб қилдилар.

Брюссель баёноти ҳам, Қўшма Штатларнинг Польшага нисбатан кўрган камситувчилик чоралари ҳам мустақил Польша давлатига йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда тазйиқ ўтказишидан, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган нормалари билан, шунингдек БМТ Устави ва Хельсинки Якунловчи акти билан қовушмайдиган тазйиқдан бошқа нарса эмас.

АҚШнинг хатти-ҳаракатлари унинг Польша социалистик давлатини вайрон қилиш, буржуа тартиблаини қайтадан тиклаш ниятида эканлигига шак-шубҳа қолдирмайди. Аммо бу — пуч ниятлардир. Польша Варшава Шартномасининг мустаҳкам бўғини, социалистик ҳамдўстликнинг аъзоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. ТАСС баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, социалистик Польша давлатига мушт кўтараётган ҳамма кимсалар шуни унутмасликлари керак.

И. МАСЛЕННИКОВ,
Ю. ЛОПАТИН.
(ТАСС).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҚЎШРАБОТ ВОҚЕАСИ

(СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ОЧИЛ ҚОДИРОВНИ ЭСЛАБ)

Болажондар —
Изтопарлар, уни излашди,
Бутун Самарқандга солишганча жар.
Қўшчалардек чуғурлашиб,
ундан сўзлашди,
Кимдир берармиз, деб, у ҳақда хабар.
Аммо топилмади ҳеч ерда дарак...
У эса жанг туғаб,
Бўш қолган замон —
Олисдан учганди шошқин, жонсарак —
Пода боқиш учун Қўшработ томон.
Қаҳрамон эҳани ҳаёлида йўқ,
Ўр-қирда кезарди гоҳ тўқ, гоҳи оч.
Тунлар тушларида қарсилларди ўқ,
Кунлар машаққатдан оқарарди соч.
Ҳаёт кечирарди кўплар қаторн,
Урушдан кейинги шу йилларга хос.
Унинг усти бошн — эгида борн,
Эгнида олдинги — аскарча либос.
У шундай яшади...
Ниҳоят, бир кун
Чарчаб, Қўшработга, қорайганда қош —
Нотинч изтопарлар келишди мамнун,
Қаҳрамон наздида эгмоқликка бош.
Аммо қаҳрамонни...
Кўришолмади.
Дунёдан ўтганди бизнинг қаҳрамон.
Уни топган эди — унинг омади,
Ҳар қандай омаддан кўз юмган замон...

БИР ҚАТИМ ЁҒДУ

Сен офтоб эмасдинг,
Машъала эмас,
Чироқ ҳам эмасдинг, биламан, отам.
Сен менинг қаршимда милтиллардинг,
бас,
Милтиллаб ёнгандинг бамисоли шам.
Сен қадим хонақо меҳробида ё
Эски кулбадаги шам бўлиб бир пайт —
Менга таратгандинг ингичка зиё,
Яшаб ўтмасин, деб дунёда лоқайд.
Мен қайтиб қилмадим офтобни орзу,
Машъала,
Чироқни қилганим йўқ ғам.
Сен ёшликда берган бир қатим ёғду —
Менга бир умрга етарли,
отам...

ҲОЖИМУРОД

(ЛЕВ ТОЛСТОЙНИ ЎҚИБ)

Тонгдан оқар тоғларда азон,
Учиб борар қарсиллаб бир от.
Жангга берган душманлар фармон,
Шомил истар аммо газовот.

Ўз пиридан юз бурган мурид —
Ҳожимурод, кезар тоғу тош.
У эрк истаб, бир-бирига зид
Хаёллардан кўтаролмас бош.

У эрк истаб, ўз-ўзига қул,
Аросатда кезар саргардон.
Душманларни қилолмас қабул,
Қайта олмас Шомилга томон.

Узоқ борар тоғларда жанглар,
Эркин йигит қулар бир куни.
Кечиришмас уни душманлар,
Кечирмайди Шомил ҳам уни...

Омон МУХТОРОВ.

Республикамизнинг қўриқ Жиззах области йилдан йилга чирой очиб бормоқда. Областда янги шаҳарлар пайдо бўляпти. Суратда: кенжа Бўстон шаҳрида қурилган бинолар кўриниши.

А. Тўраев фотолари.

СПОРТ

ТУПЛАР, ЎРИНЛАР, ОЧКОЛАР

✦ ВЕЛОПОЙГА. СССР қишки чемпионатига ҳозирлик кўраётган тошкентлик А. Панфилов куни кеча Москвада якунланган Бутуниттифоқ баҳсида муваффақият қозонди. У 1000 метрли масофани 1 минут 05,997 секундда босиб ўтиш билан маррада иккинчи бўлди.

✦ ФУТБОЛ. Кеча Испания пойтахти Мадридда жаҳон чемпионати финалчилари — 24 команда ўртасида тантанали суратда қуръа ташландн. Бу билан саралаш ўйинларини муваффақиятли ўтказиб, ҳал қилувчи учрашувларга йўлланма олган командалар олти группага бўлинди. Чемпионат ўйинлари эса 13 июнда бошланади.

Москвада эса халқаро футбол федерациясининг биринчи вице-президенти В. Гранаткин хотира совринн учун ўтказилган турнир якунланди. Халқаро турнирда бу сафар СССРнинг биринчи командаси саккиз очко билан бош совринни қўлга киритди. Бразилия ва СССРнинг иккинчи командалари олтитадан очко билан иккинчи ҳамда учинчи фахрли ўринларни эгаллашди. Тўрттадан очко тўплаган ГФР ва Италия футболчилари 4—5-ўринларни олишди. Болгария командаси икки очко билан сўнгги ўринда қолди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсаль (токарь-карусслуи, программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори), саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, электр пайвандчи, слесарь, механик, йиғувчи, фрезерчи, электромонтажчи, машинада қолиплозчи, слесарь-асбобсоз, штамповкачи.

ҲАММА ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб олган аттестатдаги баҳоларининг ўртача балли 4,5 бўлганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотлиларга ҳам билим юртини тугатганлик тўғрисида аттестат берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 76 сўмдан стипендия, ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процента берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ, ВОКАЛЬ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ ВА МИЛЛИЙ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ ТЎГАРАКЛАРИ ДОИМО ИШЛАЯДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 3х4 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, таржимаи ҳоли.

Бошқа шаҳардан келган ўқувчилар турар жойларидан пропискадан ўчишлари ҳамда билим юрти ётоқхонасига пропискадан ўтишлари, ҳамда ўзлари билан шахсий учёт карточкаси, ВЛКСМ аъзолиги учёт карточкаси ва комсомол билетини олиб келишлари зарур.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй. (2, 16, 25, 29-трамвайлар, 8, 9, 115, 112, 72, 60, 24, 44-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8-синф ҳажмида маълумотлилар: трамвайлар ва троллейбусларнинг ҳаракатдаги состави ремонти бўйича слесарь, тортиш ва подстанцияларнинг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратуралари ремонти бўйича слесарь-электрик касбларига қабул қилинадилар. Улар давлат таъминотида бўладилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Ўрта маълумотлилар: трамвай вагонларининг ҳайдовчиси, троллейбус машиналарининг ҳайдовчиси, автослесарь, контактли ва кабель тармоғи ремонти бўйича электромонтёр касбларига қабул қилинадилар. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун ва 17,5 ва ундан катта ёшдаги қизлар учун троллейбус ҳайдовчиси ихтисослиги бўйича ўқиш муддати 6 ой, трамвай ҳайдовчиси ихтисослигига эса 5 ой. Ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар ҳар ойнинг 5 ва 15 кунида бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3 «а»-уй (1, 17 «а»-автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточная депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 январь соат 19.30 да М. ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ УЗБЕКИСТОН ССР да ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари

МАЪМУРА ЭРГАШЕВА ва ҲАЙРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

ГУЛНОРА ЖУРАЕВА, НАСИБА МАДРАҲИМОВА, ЎГИЛОЙ МУҲАМЕДОВА, ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА.

Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: ФИЛРУДА НИЗОМИДДИНОВА, ГУЛСУМ ҲАМРОЕВА, ДИЛБАР ЮНУСОВА.

Ансамблининг бадиий раҳбари — Узбекистон ССР халқ артисти Қ. МИРКАРИМОВА.

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. АЛИЕВ.

Касса соат 14.00 дан очиқ.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: физика (фан доктори, профессор), дискрет информацияларни узатиш ва телеграф, жисмоний тарбия ва спорт (фан доктори, профессор, фан номзоди, доцент);

ўқитувчилар: жисмоний тарбия ва спорт (2 ўрин).

КОНКУРС МУДДАТИ — 15 ФЕВРАЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй.

ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (СоюзНИХИ)

1982 йил учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

МАҚСАДЛИ КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ўсимликлар физиологияси — СССР фанлар академиясининг ўсимликлар физиологияси институти (Москва шаҳрида);

агрохимия — СССР олий таълим министрлигининг Москва Давлат университети (Москва шаҳрида);

экономика, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини планлаштириш ва бошқаришини ташкил этиш — Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти (Москва шаҳрида);

тупроқшунослик — К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академияси (Москва шаҳрида).

Мурожаат учун адрес: 702133, Тошкент области, Оққовоқ алоқа бўлими.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/I да Гурунг, 19/I да Кузнинг биринчи куни, 20/I да Абу Али ибн Сино.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/I да Ешликда берган нўнгил, 18/I да Хотиннинг эри, 20/I да Тошкентнинг нозанин маликаси.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

КУЧМА... ЗОВУР

Туркманистон гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг олимлари ишлаб чиққан янги метод ер ости зовур тармоқларини ётқизмаган ҳолда катта-катта суғориладиган массивлар шўрини қочиришга ёрдам беради.

Шўр ювиш чоғида даланинг шўр босган участкасига игна фильтр трубалар келтириб ерга қоқилади. Эриган туз шу трубага уланган енгил полиэтилен трубалар орқали суғориладиган зонадан ташқарига чиқариб ташланади. Шундан сўнг система навбатдаги ювиладиган массивга олиб ўтилади.

Чорҗўй районидаги «Москва» колхозининг оғир тупроғида ўтказилган синовлар кўчма зовурдан фойдаланиш янги ерларни одатдагидан уч баравар тезроқ ўзлаштиришга имкон беришини исбот қилди. Ҳар бир система 300 гектаргача ерга хизмат қилади ва одатдаги зовурга нисбатан қарийб беш баравар кўп сувни тортиб чиқаради.

Бу йил Чорҗўй областининг бошқа хўжаликларидаги шўрхоқ участкаларда ҳам шундай зовурлар қўлланиши мўлжалланади.

ПИШИҚ БЕТОН

Ленинградлик олимлар таклиф этган қаттиқлаштирувчи химиявий активаторлар йиғма темир бетон ишлаб чиқариш жараёнини анча тезлатишга ва унга кетадиган энергия сарфини камайтиришга имкон беради.

Бу ердаги «баррикада» ишлаб чиқариш бирлашмасида активлаштирувчи янги моддалар синовлари муваффақиятли ўтди. Бу моддалар тайёр бетон сифатини яхшилабгина қолмай цемент истеъмолини камайтиришга ҳам имконият беради. Ленсовет номидаги технология институти, темир йўл транспорти инженерлари институтининг ишлаб чиқарувчилари, олимлари ҳамда «Главленстройматериал» бошқармаси мутахассисларининг ижодий ҳамдўстлиги натижасида муваффақиятга эришилди.

(ТАСС).

ГЎЗАЛЛИК ТУЙҒУСИ

Ёзувчи ён дафтаридан

Инсон илк бор оёқ босган тупроқдаги майса-чечаклар, дов-дарахтлар орқали у ер қуррасининг ранго-ранг жилоларга бойлигини, улуғворлигини ҳис этади. Сойларнинг шилдираши, қушларнинг хониши инсон қалбида кўтаринки бир кайфият, ажиб бир ҳиссиёт пайдо қилади. Мана шу ҳиссиёт уни ер қуррасини севишга, ардоқлашга ундайди. Зотан, табиат кишини чуқур фикрлашга, одамларга муносабатда холис ва меҳрибон бўлишга ,ватанпарварликка ўргатади. Табиатни севган, гўзалликни ҳис этган киши биз орзу қилган юксак маданиятли инсон бўлиб шаклланади. Табиат муҳофазасига жуда кўп эътибор берилаётганнинг боиси ҳам шунда.

Табиатни асраш айрим гиёҳ ёки дов-дарахт турларини, баъзи бир камёб қушларни, жониворларни, экин экиладиган бир парча ерни сақлаш, деганн эмас. Табиатни муҳофаза қилиш ер куррасини ҳар томонлама мукаммал ҳолда авайлаш, деганн. Агар олам тугал бўлса, одамлар ҳам ҳар томонлама баркамол бўлиши муқаррар. Машҳур педагог Василий Сухомлинский таълим бериб айтадики: «Агар кишида оддий инсонийлик бўлмаса, коммунистик ахлоқнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Позик кечинмаларга қодир бўлмаган бағритош одам ҳеч качон юксак идеалларга эриша олмайди. Бағритошлик одамларга лоқайд қарашни юзага келтиради. Лоқайдлик — ҳудбинлик, ҳудбинлик — шафқатсизликликдир».

Мана шундай лоқайдлик, бағритошлик туфайли айрим шахслар ўзини боқаётган ерга нисбатан бешафқат муносабатда бўлаётганига дуч келамиз. Ҳар бир гектар ерга солинадиган минерал ўғитларнинг қатъий миқдори белгиланган. Афсуски, баъзи деҳқонлар бу миқдорни меъёридан анча-мунча ошириб юборишади. Айниқса, селитрага зўр беришади. Кўрибсизки, ҳосил мўл-кўл. Бироқ минерал ўғитнинг зўри билан етиштирилган помидор тахир, карамдан ачимсик таъм келади, картошка кўнгилни беҳузур қилади, қовун-тарвуз ноитмани чиқаради. Бу нарсани ўзлари ҳам яхши билишса-да, бироқ манфаатдорлик ҳисси ер олдидаги эл-юрт олдидаги бурчдан қолиб келади. Манфаатни ўйлаб, ерни зўриқтиришади. Меъёридан ортиқ солинган минерал ўғит тупроқ таркибини кескин ўзгартириб юборади. Энг хавфлиси — эриган тузлар ер ости сувларига қўшилиб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда. Бу нарса ер куррасини чучук сув билан таъминлаш борган сари чигал муаммога айланаётган ҳозирги шароитда гуноҳи азим деб қаралиши керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ер куррасида ҳар куни 25 минг киши фақат сув танқислигидан ҳалок бўлар экан. Бир миллиард 230 минг киши эҳтиёжига яраша сув билан таъминланмайди. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1981—1990 йилларни «Ичимлик сув билан таъминлаш ва санитария шароитини яхшилаш халқаро ўн йиллиги» деб эълон қилди. Сувнинг сифатини белгиловчи халқаро норма ва стандартлар ўрнатилди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик давлатлар яқиндан ҳамкорлик қилиб, кенг кўламда иш олиб бормоқдалар. Бу давлатлар табиат муҳофазасининг гигиеник аҳамиятларини, атроф муҳит, сув манбаларини покиза сақлаш омилларини, саноат ва хўжалик чиқиндиларидан унумли фойдаланиш йўлларини баҳамжиҳат ўрганмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда табиат муҳофазасига алоҳида эътибор берилмоқда. Иттифоқимизда 135 дан ортиқ қўриқхона ҳамда қатағон борлигининг ўзиёқ бунинг исботидир. Умумиттифоқ ва республика миқёсида, жумладан Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида табиат муҳофазаси атрофлича муҳокама қилинганн бу масалага давлат аҳамиятига молик бирламчи вазифа деб қаралишидан далолат беради.

Афсуски, орамизда ҳали партия ва ҳукуматимизнинг бундай инсонпарвар ташаббуслари моҳиятини тўла англаб етмаган шахслар ҳам йўқ эмас. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган кимсалар планни дўндириб, шон-шуҳратга эришиш қайғусида юрган айрим хўжалик ва корхона раҳбарларининг бепарволиги, жамият олдидаги масъулиятни англаб етмаганлиги сабабли республикамиздаги дарёларга баъзан яхши тозаланмаган оқава сувлар ҳам тушяпти. Ёзувчи Михаил Пришвин таъбири билан айтганда: «Табиатни муҳофаза этиш — Ватанни муҳофаза этиш» эканлигини ҳамма бирдек тушуниб етмаганлиги туфайли ҳаво мусаффо эмас, турли хил сайроқи ва зийнат қушлари кескин камайиб кетяпти эрта баҳорда ўтказилган минглаб туп дарахтларнинг генг ярми қуриб қоляпти.

Табиат яратган ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, вазифаси бор. Инсоннинг билиб билмай табиат ишларига аралашуви баъзан кўнгилсизликлар келтириб чиқаради. Мана шундай кўнгилсизликлардан бири кишлоқ хўжалиги экинларининг зарракунандаларига қарши курашда заҳарли кимёвий дориларни асоссиз равишда кўп ишлатишдир. Ўткир заҳарли дорилар инсон саломатлигига, табиатдаги бор тирик мавжудотга, атрофмуҳитга анча-мунча зарар етказади. Тўғри, бу дорилар яхши ниятда, ер юзида етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш, инсонлар турмушини фаровонлаштириш мақсадида кашф этилган. Бироқ...

Инсон заковати ҳар қандай калтабинлик, кўр-кўроналикдан устун. Агар шундай бўлмаганда бугунги тараққиёт босқичига етишишимиз даргумон эди. Мана шу заковат ҳар қандай дард га табиатнинг ўзидан дармон топишга ундади. Олимларимизнинг узоқ йиллик изланишлари натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши курашнинг табиий-биологик усули ишлаб чиқилди. Бу усул, айниқса, пахтачиликда кенг қўлланилмоқда. Ҳозир республикамизда трихограммани кўпайтиришга мослашган биофабрикининг 70 га якин механизациялашган тармоғи ишлаб турибди. Габробраконни ҳам мана шундай механизациялашган усулда кўпайтириш устида изланишлар олиб борилмоқда. Дала табиби деб аталувчи олтинкўз, хонқизи каби фойдали ҳашаротларни сунъий йўсинда кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили республикамизда бир миллион 400 минг гектар экинзор биологик кураш усули воситасида муҳофаза қилинди. Беш йиллик охирига борнб бу усулда ишлов берилиадиган майдон 2,5 баравар кўпаяди. Афсуски, уни боғдорчилик ҳамда сабзавотчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар сусткашлик билан қўллашяпти.

«Табиат муҳофазаси ҳамда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири деб қаралсин!» Партия ва ҳукуматимизнинг бу кўрсатмаси бугунги кунимизнинг асосий дастуриламали бўлиб қолди. Давлат аҳамиятига молик бу масаланинг қай тарзда рўёбга чиқарилаётганини айрим мисоллар орқали ифодаласак, аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Республикамизда 70 га яқин ўрмон хўжалиги. Ўндан ортиқ қўриқхона ҳамда махсус қатағонлар мавжуд бўлиб, уларнинг ходимлари камайиб бораётган ёки йўқолиш арафасига келиб қолган жониворларни, парранда турларини асраб кўпайтириш, ўлкамизни яшил либосга буркаш, ширин-шарбат мевалар етиштириб бериш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Тўрт миллион гектарни ишғол этган иҳотазор бўлиб, бу ерда бемалол мол боқиш, чорва туёғини кўпайтириш мумкин. Тоғлардаги бир миллион гектардан зиёд ўрмонларимизда турли сабаблар билан кескин камайиб кетган ,арча, писта, бодом, ёнғоқ, чаканда каби ноёб дарахт турларини кўпайтириш билан шуғулланилади. Ҳар йили республикамизда икки минг гектарли ўрмон барпо этилади. Умуман, табиат муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишларимизнинг кўлами кенг. Бироқ, бу нарса бизни асло хотиржам қилиб қўймаслиги керак. Ҳаётга татбиқ этилиши лозим бўлган янгиликлар беҳисоб.

Амалга оширилаётган хайрли ишларимиздан қувониш баробарида йўл қўйилаётган камчиликларни фош этиб, ерни нобуд қилаётган, сув ва ҳавони ифлослантираётган, дов-дарахтлар тириклик манбаи эканлигини унутиб қўйаётган, заҳарли ва минерал дориларни билиб-билмай ишлатиб, одамларнинг соғлигига таҳдид солаётган шахсларнинг қилмишларига одамларда муросасиз муносабат уйғотмас эканмиз, табиатни асраш ҳақидаги гапларимизнинг таъсири ҳеҳдир.

Табиат муҳофазаси маълум бир ташкилот ёки айрим фидойи одамларгина шуғулланадиган соҳа эмас. Бу ишга юрагида озгинагина завқи, иштиёқи бор одам ўзини сафарбар этиши керак. Агар ҳар бир киши лоақал бир туп дарахт кўкартириш, бир жуфтгина қуш ёки жониворни асраш, гулларнинг ранго-ранг турларини кўпайтириш ҳақида, эшиги тагидан оқиб ўтадиган ариқ сувн зилол бўлиши учун қайғурмас экан, дунё ғариб, бенаво бўлиб қолади. Шу боис табиатни муҳофаза қилишнинг аҳамияти одамларни яхшиликка, инсонпарварликка, хушахлоқликка даъват этиб кўрилаётган тадбирлардан асло кам эмас. Аксинча, булар бирбири билан узвий боғлиқ, бирнни иккинчисидан ажратиб бўлмас масалалардир.

Сайроқи қушларнинг хонишидан завқланган одам ҳеч қачон бировнинг дилига озор бермайди. Чаманзорга боқиб баҳри-дили очилган одам бировга асло ёмонлик тиламайди. Сувнинг тиниқлигидан кўнгли ёришган одам ҳамиша эзгуликни орзу қилади. Қалби гўзаллик ҳиссига тўла мана шундай покиза одамлар кун сайин кўпайиши учун курашмоғимиз керак.

Эмин УСМОНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Музикали кноск. 14.50 — Мешчан дворянликда Телеспектакль. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Концерт. 18.50 — Халқаро панорама. 19.35 — Музикали программа. 20.35 — Кинесаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время 22.05 — Сиз бунга қодирсиз. 22.50 — Фильм-концерт. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядка-га сафланинг. 9.20 — Ҳужжатли фильм 9.45 — Ўз севгилингни топ Бадиий фильм. 10.50 — Ҳайвонот оламида. 12.00 — Кампалан. 12.35 — Кучлилар, довюраклар, чаққонлар. 13.20 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 15.05 — Фильм-концерт. 15.20 — Кундан-кунга. Телеспектакль. 16.30 — Бизнинг биография. 2-фильм. 17.30 — Ҳужжатли фильмлар. 18.15 — Мухбирларимиз хикоя қиладилар. 18.45 — Учрашув. Бадиий фильм. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.35 — Эрмитаж. 21.10 — Конькида югуриш. СССР чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Спорт программаси

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ўзбекистон спорти. 10.40 — Светофор. 11.40 — Концерт. 12.25 — Қувноқ стартлар. 13.25 — Одам амфибия. Бадиий фильм. 15.00 — Мультипанорама. 15.45 — Реклама. 18.20 — Мультфильмлар. 19.00 — Санъат гунчалари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — М. Аҳмедова рақсга тушади. 21.30 — Время. 22.05 — Гирт ёлгончи. Бадиий фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

18 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Қувноқ стартлар. 10.25 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 11.25 — Болалар учун фильм. 12.20 — Ёз оқшоми. Сюита. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 — Фильм-концерт. 16.10 — Г. Уэльс. Ҳаёти ва ижоди. 17.10 — Тунис бўйлаб. Кинопрограмма. 17.45 — Концерт. 18.15 — Сизга манзур шеърлар. 18.45 — Сиз яратган боғ. 19.15 — Мультфильмлар. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Концерт. 20.20 — Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси. Бадиий фильм. 5-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Д. Мамонтов ижро этади. 22.20 — Хоккей. Динамо (Р) — ЦСКА. 23.45 — Стол тенниси. Халқаро ўртоқлик учрашуви. СССР — Япония.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Фан оламида. 10.05 ва 12.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.35 — Евгений Онегин (автор образи). 11.05 — АБВГДейка. 12.40 ва 13.40 — Тарих. 14.15 — Вс. Вишневский — ёзувчи коммунист. 15.05 — Ўқитувчи экрани 15.35 — Учрашув. Бадиий фильм. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Халқаро панорама. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — 9-симфония. 21.30 — Время. 22.05 — Масканимиз шу ер. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — География. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Поволжье хўжалиги. 13.00 — Сехрли орол. Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Хайтарма ансамблининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ер фарзанди. Бадиий фильм. 23.40 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 17.50 — Ер ва эл. 19.00 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Қизиқувчилар экрани. 20.55 — Телефильм. 21.30 — Москва-II. — Спорт программаси. 19.25 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 20.15 — «Гўзал» ансамбли ижро этади. 21.00 — Янгича ҳаёт — янгича турмуш. 21.10 — Пахтакор монологи. 22.30 — Лирик қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

18 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 — Ешлик. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — Публицист минбари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 20.15 — «Гўзал» ансамбли ижро этади. 21.00 — Янгича ҳаёт — янгича турмуш. 21.10 — Пахтакор монологи. 22.30 — Лирик қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

РАДИО

17 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Жонажон ўлка ҳақида қуйлаймиз. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Сизнинг хонадонингизда. 14.00 — Табаррук замин. 15.40 — Театр микрофон олдида. 18.15

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбек ССР Компартия МК, Ўзбекистон Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети органи.

Редакция адреси: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-84-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик кабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. С1731. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 14. 8